

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳукукида

УДК 008.12

ББК 71.04

Ж 91

ЖУРАМУРАТОВ НОДИРБЕК РАХМОНҚУЛОВИЧ

**МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАЎБАРЛИҚДА
МИНТАҚАВИЙЛИК ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ**

5A151701 – “Маданият ва санъат соҳаси менежменти”

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

с.ф.н., доцент, А.Х.Хайдаров



ТОШКЕНТ-2016

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTI**

Fakultet: "Madaniyat va san'at sohasi menejmenti"

Kafedra: "Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish va boshqarish"

O'quv yili: 2015-2016

Magistratura talabasi: N.Juramuratov

Ilmiy rahbar:

s.f.n., dotsent, A.H.Haydarov

Mutaxassisligi: 5A151701—"Madaniyat va san'at sohasi menejmenti"

MAGISTRLIK DISSERTATSIYASI ANNOTATSIYASI

Mavzuning dolzarbligi: Madaniyat muassasalari faoliyatining mamlakatimizda aholi turli tabaqalari vakillarini badiiy, estetik, ahloqiy, ijtimoiy-siyosiy, yo'nalishlarda tarbiyalash, odamlarning ma'naviy, ijodiy faolligini tashkil etish, barkamol insonni shakllantirishda o'rni va roli kattadir. Jamiyatni yangilash va modernizatsiya qilish sharoitida madaniyat ishlarini boshqarish holatini o'rganish va tahlil qilishning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi va vazifalari: O'zbekistonda ijro etuvchi xokimiyatni amalga oshirishda, shuningdek, madaniyat va san'at sohasini isloh etishda O'zbekistonda madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlikda mintaqaviylik omillari va imkoniyatlarini o'rni va rolini tahlil etishdan iborat.

Ushbu maqsaddan kelib chiqib quyidagi **vazifalar** belgilanadi.

- Madaniyat ishlarining nazariyasi va tarixini o'rganish.
- Istiqlol yillarida madaniyat ishlarining isloh etilishini tahlil qilish;
- Madaniyat tizimidagi davlat muassasalari faoliyatini tahlil etish;
- O'zbekistonda madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlikda mintaqaviylik omili va imkoniyatlarining o'rni va roli yuzasidan ilmiy asoslangan xulosa va tavsiyalar ishlab chiqish.

Tadqiqot obekti va predmetining belgilanishi: O'zbekistonda madaniyat ishlarini boshqarish tizimini o'rganish tadqiqot obektini tashkil etsa, mustaqillik yillarida madaniyat ishlarini boshqarish jarayonlarini tahlil etish tadqiqotning predmeti qilib belgilandi.

Tadqiqotda qo'llanilgan uslublarning qisqacha tavsifi: mavzuga oid ilmiy-nazariy adabiyotlarni o'rganish, meyoriy-huquqiy hujjatlar bilan tanishish, tahlil, kuzatuv, monitoring, umumlashtirish.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati va tadbiqu: Tadqiqotning amaliy ahamiyati shundan iboratki, tadqiqot natijalari, ilgari surilgan nazariy xulosa va metodik tavsiyalar madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlikda, madaniy-ma'rifiy muassasalar faoliyatini takomillashtirishga yordam beradi.

Tadqiqot natijalarining ilmiy jihatdan yangilik darajasi: Madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlik qilish va boshqarishga ilmiy yondashilgan.

Madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlikda mintaqaviylik omili va imkoniyatlariga oid ilmiy-amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Madaniyat ishlarini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha uslubiy tavsiyalar berilgan.

Ish tuzilishi va tarkibi: Dissertatsiya kirish, 3 ta bob, 6 ta paragraf, umumiy xulosa va metodik tavsiyalar, ilovalar, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan iborat.

Bajarilgan ishning asosiy natijalari: Tadqiqot natijasida uslubiy tavsiyalar ishlab chiqildi. Mavzu yuzasidan ikkita maqola nashr etildi.

Xulosa va takliflarning umumlashtirilgan ifodasi. Tadqiqot natijalari asosida ishlab chiqilgan ilmiy-nazariy xulosalar, metodik tavsiyalar madaniyat muassasalari faoliyatiga rahbarlikda foydalanish imkonini beradi.

Ilmiy rahbar: siyosiy fanlar nomzodi, dotsent A.H.Haydarov

Magistratura talabasi: N.Juramuratov



The subject of the dissertation: During the years of independence was determined to be the subject of a study to analyze the process of cultural affairs.

Theses methods: A thematic study of scientific literature, and to meet regulatory and legal documents, analysis, tracking, monitoring, and generalization.

The practical importance of the research and applications: The practical significance of the study is that the results of the research, theoretical and methodological recommendations put forward in the activities of cultural institutions management, and improvement of cultural and educational institutions.

The level of scientific novelty of the research: A scientific approach to manage and direct the activities of cultural institutions.

A factor of regional management activities of cultural institutions and possibilities of the scientific and practical proposals.

Recommendations and guidelines to improve the management of cultural activities.

The structure of the work: The work consists of introduction, three chapters, paragraph 6, the general conclusions and guidelines, applications, list of used literature.

Scientific adviser:

candidacy of sotsiology, doc, A.H. Haydarov

Postgraduate:

N. Juramuratov



	КИРИШ	2-8
I	ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТНИ БОШҚАРИШ	
БОБ	МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ	
	АСОСЛАРИ.....	9-36
1.1.	Маданият ишларининг тарихи ва назарияси.....	9-20
1.2.	Истиқлол йилларида маданият ишларини ислоҳ этилиши.....	21-33
	I боб бўйича хулоса	34-36
II	ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ	
БОБ	СОҲАСИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	37-65
2.1.	Маданият тизимидаги давлат ва нодавлат муассасалари фаолияти таҳлили.....	37-56
2.2.	Маданият ва санъат муассасалари бошқарувига мутахассис кадрлар тайёрлаш.....	57-60
	II боб бўйича хулоса	61-65
III	МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИГА	
БОБ	УСЛУБИЙ РАҲБАРЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ	
	АСОСЛАРИ	66-84
3.1.	Маданий-маърифий фаолиятни ташкил этишда услубий раҳбарликнинг мазмуни.....	66-73
3.2.	Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғарақлар ишини ташкил этишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари	74-84
	III боб бўйича хулоса	85-86
	ХУЛОСА.....	87-90
	ИЛОВА	91-97
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	98-100

КИРИШ

Маданият муассасалари фаолиятининг мамлакатимизда аҳоли турли табақалари вакиллари бадий, эстетик, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, йўналишларда тарбиялаш, одамларнинг маънавий, ижодий фаоллигини ташкил этиш, баркамол инсонни шакллантиришда ўрни ва роли каттадир. Маданият муассасаларига маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва санъат саройлари, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, маҳалла гузарлари, ахборот ресурс марказлари, кутубхоналар, рассомлик галериялари ва бошқалар киради. Собиқ шўролар даврида бу фаолият маданий-оқартув иши номи билан юритилар, уларнинг асосий иш мазмуни тоталитар тузум мафкурасини бадий воситалар орқали аҳолининг энг қуйи қатламларига қадар етиб бориш учун хизмат қилар эди. Ўша даврдаги клуб муассасаларига одамлар деярли киришмас, бадий ҳаваскорлик ижодиёти номига ташкил этилар эди. Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарнинг эшикларига қулф солиб қўйилган бўлиб, улардаги китоблар сони 3-5 мингдан ошмас улар ҳам асосан сиёсий адабиётлардан иборат эди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг маданий-маърифий ишлар тубдан ислоҳ этилиб, ижтимоий-маданий фаолият деб номланди. Одамлар кирмайдиган хароб ҳолдаги кутубхоналар ўрнига ахборот-ресурс марказлари барпо этилди. Клуб муассасалари эса “Маданият ва аҳоли дам олиш марказ”ларига айлантирилди. “Ижтимоий-маданий фаолият” том маънода янги инсон маънавиятини шакллантириш соҳасига айланди. Ижтимоий-маданий фаолият ривожига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги 178-сонли қарори муҳим рол ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари И. А.Каримовнинг маънавият ва маърифат соҳасига бўлган доимий эътибори бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, 2006 йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий - маърифий ва тарғибот - ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора - тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ - 317 сонли Қарорида халқимизни дунёда кечаётган мураккаб сиёсий, мафкуравий курашлардан мунтазам хабардор қилиш, жаҳонда ва ён атрофимизда содир бўлаётган воқеа - ҳодисаларга нисбатан фукороларимизда онгли муносабатни шакллантириш, уларда миллий манфаатларимизни чуқур англаш ва ҳимоя қилиш, Ватанимизнинг бугунги ва эртаси учун дахлдорлик ва масъуллиқ ҳиссини янада кучайтиришга қаратилган маънавий - маърифий ишларни амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилган.

Бундан ташқари Президентимизнинг «Миллий - ғоя тарғиботи ва маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2006 йил 25 августдаги ПҚ - 451-сонли Қарорида ҳам мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий - маърифий ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий ҳуружлардан ҳимоя қилиш, атрофимиздаги воқеаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш, ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, турли мафкуравий, маънавий тажовузлар ва таҳдидларга қарши кураш олиб бориш вазифалари аниқ белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавий - маърифий тадбирларни ташкил этиш самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириш учун мавжуд замонавий усуллар, воситалар ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш масаласи янада долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммога илмий - амалий ёндашув асосида қатнашчилар руҳий оламини янада чуқурроқ ўрганиш, маънавий -маърифий тадбирларнинг усуллари, шакллари, воситаларини илм-фаннинг замонавий илғор ютуқларига таянган ҳолда

танлаш, ташкил этиш ва амалга оширишни тақозо этади. Бу жараёни амалга оширишда маданият муассасалари фаолиятига раҳбарлик муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, кўпгина муаммоларни ўз ичига олади. Демократик жамият барпо этиш, демократиянинг қоидалари, принциплари, тамойилларига таяниш билан бир қаторда ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўзига хос миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки куниданок, “жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди”.¹

Ҳаётнинг ўзи, тараққиёт қонуниятлари, эришилган марралар, истиқболдаги мақсад ва вазифалар демократик ислохотларни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча йўналишлари қаторида маънавият соҳасига оид вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилган.

¹ Islom Karimov. O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li. –Т.: O‘zbekiston, 1992. 10-б.

Чунки Концепцияда зикр этилган улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавият-маърифат, тарғибот-ташвиқот масалаларига бориб такалади. Мамлакат Перизденти Ислон Каримов қайд этганидек, мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устивор вазифа «халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориш, миллий мафкурамизга куч-кувват берадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижитмий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида бўлаётган ўзгаришларга мос равишда Маданият ишларини бошқариш тизимида ҳам ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 27 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” фармон қабул қилинди.

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикасида маданият ишларини бошқариш тизими ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилди. Мазкур “Маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омиллари ва имкониятлари” мавзусидаги магистрлик диссертацияси жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида маданият ишларини бошқариш

ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистонда маданият ишларини бошқариш тизими.

Тадқиқот предмети: Мустақиллик йилларида маданият ишларини бошқариш жараёнларини таҳлил этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда, шунингдек, маданият ва санъат соҳасини ислоҳ этишда Ўзбекистонда маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омиллари ва имкониятларини ўрни ва ролини таҳлил этишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланади.

- Маданият ишларининг назарияси ва тарихини ўрганиш.
- Истиқлол йилларида маданият ишларининг ислоҳ этилишини таҳлил қилиш;
- Маданият тизимидаги давлат муассасалари фаолиятини таҳлил этиш;
- Маданият ва санъат муассасалари бошқарувига мутахасис кадрлар тайёрлашни мониторинг қилиш;
- Ўзбекистонда маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омили ва имкониятларининг ўрни ва роли юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: тадқиқот ишига қуйидаги масалалар ва фаразлар асос қилиб олинди:

- Ўзбекистоннинг маданият ва санъат муассасалари фаолияти мазмунини одамлар ижтимоий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишига кўмаклашиш;
- Ҳудудларда ижодий тўғаракларни ташкил этишга услубий ёрдам бериш;

- Маданият ва санъат муассасаларида ташкил этилаётган маданий тадбирлар услубиётини давр талаби асосида олиб боришга услубий раҳбарлик қилиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Тадқиқотда маданият ишларини бошқариш муаммоси бўйича маҳаллий олимлар М.Бекмуродов, А.Умаров, Ҳ.Шодиев, У.Қорабоев, Б.Сайфуллаев, А.Маврулов, А.Ҳайдаров, М.Юлдашева илмий тўпламларида маданият ишларини бошқариш борасида илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқот методлари: мавзуга оид илмий-назарий адабиётларни ўрганиш, меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, таҳлил, кузатув, суҳбат, савол-жавоб, сўровнома, тест, анкета, мониторинг, умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асослари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, мутолаа маданияти ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари қарашлари, илмий-педагогик, ижтимоий-психологик, тарихий-фалсафий манбалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти: Тадқиқотнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилигидан келиб чиқади. Тадқиқот дастурини яратиш статистик таҳлил, маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омили ва имкониятларини ўрганилиши фанга назарий хисса бўлиб қўшилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари, илгари сурилган назарий хулоса ва методик тавсиялар маданият муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилишда муҳим ва унча аҳмиятга эга бўлмаган механизмларни очиқ бериш, шунингдек, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини эканлигини аниқлаш бу жараёнга

режали таъсир ўтказиш имконини беради. Бу тадқиқот ишидан маданият муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилиш, шунингдек, маданият ва санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда қўшимча манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Маданият муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқаришга илмий ёндашилган.

2. Маданият муассасалари фаолиятини бошқаришда кадрларни жой-жойига қўйиш муҳим омил эканлиги асослаб берилган.

3. Маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омили ва имкониятларига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

4. Маданият ишларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 3 та боб, 6 та параграф, умумий хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Маданият ишларининг тарихи ва назарияси.

Маданият ишларининг тарихини қуйидаги асосий тараққиёт босқичларга ажратиш мумкин.

1. Араблар истильосигача бўлган даврда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-маданий тараққиёти.

2. Ислом маданияти ва унинг Мовароуннахр халқларига таъсири даврида маданият.

3. Темурийлар даври маданиятининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маданий тараққиётидаги ўрни.

4. Уч хонлик даврида ижтимоий-маданий ривожланишнинг орқага кетиши, сабаблари ва оқибатлари.

5. Чор Россияси ва шўролар мустанлакаси даврида Европача маданиятнинг кириб келиши ва руслаштириш сиёсатининг оқибатлари.

Тарихдан маълумки, барча даврларда маданият, илм-фан масалаларига ҳукмдорлар томонидан алоҳида эътибор берилиб келинган. Хаттоки, ибтидоий жамоа пайтида ҳам одамлар байрамларни ўзига хос равишда нишонлаб келганлиги тўғрисида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Тарихий маълумотларга қараганда ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик ўйинлари муҳим ўрин тутган. Баъзи манбаларда улар овдан олдин ўтказилганлиги, баъзиларида эса овдан кейин ўтказилганлиги қайд этилади.

Овдан олдин ўтказилган ўйинлар ов олди машқи, яъни овга тайёргарликни текширишни, овга рухий ва жисмоний шайланиш вазифасини ўтаган ҳолда жиддий ўзига хос кичик маросим шаклида уюштирилган. Бу ўйинлар жараёнида ибтидоий одамлар ўлжани осонгина қўлга туширишни, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб, хайвон қиёфасига киришни, унинг юриш-туришлари, товуш

чиқаришларини машқ қилишган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган. Шу боисдан ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, бир томондан овчилар махоратини ўстиришга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса, уларда тақлид санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан кейинги ўйинлар ов муваффақиятли тугагандагина уюштирилган. Чунки овдан ўлжа билан қайтиш – бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган. Овчилар бундай ўйинлар ёрдамида “... кун бўйи ов қилиб, чарчаб қайтгач, кечкурунлари ўзларига дам бериш, бугунги таассуротларини, кайфият ва туйғуларини, овдан мамнунликларини, тўқликни, шўхликларини ифодалашарди”, деб ёзади профессор М.Рахмонов “Ўзбек театри” асарида.

Маълумки, милоддан илгари Эрон, Суғд ва Хоразмда зардуштийлик календаридан фойдаланилган. Йилнинг ҳар фасли ҳар ойининг ўз байрамлари ва машҳур кунлари бўлган. Масалан, “фарвардин мох – ёз боши, тир мох - куз боши, меҳр мох - киш боши, дий мох - баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (хайит) кунлари бор эди”, - дейди Беруний.

Баъзи этнограф олимларнинг, жумладан Н.Лобачеванинг фикрича, қадимдан ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келар эди. Сосонийлар сулоласи даврида (3-аср) йил боши ёзга, яъни 21-22 июнга кўчирилган. Бирок ой календарига ўтилганидан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз баравар бўлган кунга, яъни 22 мартга кўчирилган. Бу ҳақда Беруний ёзади: “Наврўз ўтмиш замонларда қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди”.

“Наврўз” нинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб фикрлар, афсоналар, мифлар мавжуд. Масалан зардуштийлар давридаги баъзи тушунчаларга қараганда, яхшилик худоси Ахура-Мазда баҳор - ёзда, ёмонлик худоси-

Ахриман кузда ва қишда ҳукмдорлик қилар эмиш. Бахорнинг биринчи кунини яхшилик худоси ёмонлик худосининг устидан ғолиб чиққан муқаддас сана деб уни байрам қилишган. Бу сана “Наврўз” кунига айнан тўғри келган. Бошқа қадимий афсоналарга кўра Одам Ато ва Момо Хаво бир - бири билан учрашган кун «Наврўз» байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг “Шохномаида” эса янги йил «Наврўз» нинг келиб чиқиши шох Жамшид номи билан боғланади. Масалан, Жамшид юртга яхшилик қилиш мақсадида одамларни касбга ўргатади, темир эритиб курул ясатади, ип йигиртириб кийим тўқитади, хаммом, уй, саройлар бунёд қилади, боғ бунёд қилади. Нихоят, ишлари гуркираб кетган кунлардан бир куни тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади.

А.Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам” номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ кун Наврўз ихтиро қилинганлиги баён қилинади.²

Беруний келтирган афсона бўйича ҳам Наврўз улкан ишлар қилган Жамшид шохга боғланади. “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни хавога кўтариб, бир кунда Дамованд тоғидан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни хайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) тақлид қилиб арғимчоқларда учдилар”.

«Наврўз» нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бундай афсоналарни турли нуқтаи-назарда талқин қилиш мумкин. Бироқ масалага илмий ёндашадиган бўлсак, “Наврўз” нинг юзага келиши ҳар томонлама илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жихатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланишнинг бошланиши, бахорнинг келиши билан боғлиқ бўлган. Бунинг устига, “Наврўз” нинг чуқур илдизларига мурожаат

² Qarang: O'sha manba 30-35 betlar

килсак, у энг қадимий даврларда ибтидоий одамларнинг дехқончиликка ўтганидан сўнг далаларда янги иш мавсуми бошланишидан олдин ўтказиладиган баҳор байрамларига бориб тақалади.

Ислом маданияти ва унинг Мовароуннаҳр халқларига таъсири даврида маданият.

Юқори тараққиётга эга бўлган мамлакатлар даражасига чиқишга бўлган ҳаракат авж олади. Юқори маданий жихатдан юксалган халқларнинг тили, тарихи ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш нихоятда ошиб кетади. Исломни қабул қилган мамлакатларда араб тили ҳукмрон тилига айланади. Фан ва адабиёт, Қуръони Каримнинг араб тилида бўлганлиги, унинг сура ва оятлари араб тилидан бошқа тилларга ўгирилмаганлиги, уларнинг мазмунини тушуниб етишга бўлган интилиш, араб тилига бўлган қизиқиш ва уни ўрганишни янада кучайтиради. Натижада ерли аҳолининг илм-фанни эгаллашга, араб тилини ўрганишга бўлган қизиқиши илми-толибларни халифаликнинг маданий жихатдан ривожланган марказлари ҳисобланувчи Бағдод, Басра, Дамашк, Қоҳира, Хамадон, Балх, Машҳад, Нишопур, Марв каби шаҳарларига бориб таълим ола бошлашга ундайди.

Турли халқлар маданиятини чуқур ўрганган илми-толиблар ўзлари мансуб бўлган этнослар маданиятини бир-бирига яқинлаштирадилар. Ислом оламида кенг ёйилган тасаввуф, ҳадисшунослик, адабиёт, тил ва бошқа айрим фанлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатадилар. Бу эса миллий-маданиятларнинг миллий қобикдан чиқиб, ҳудудий-минтақавий маданият даражасига кўтарила бошлаганлигининг муҳим бир белгиси эди.

Бунга муайян ҳудудда туғилиб, тарбия топган алломалар-Имом ал - Бухорий ва Ат-Термизийларнинг муҳаддисликда, Бурхониддин Марғинонийнинг фикҳшуносликда, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубронинг тасаввуфда, Замахшарийнинг араб тилида, Маҳмуд Қошғарийнинг турк тилида, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий,

Рудакий ва Фирдавсийларнинг адабиётда ислом минтақавий маданиятларининг ривожига таъсир кўрсата олганликларини мисол қилиб олиш мумкин.

Бу давр маданияти тараққиётининг иккинчи бир муҳим белгиси-миллий маданиятнинг ривожланиб, минтақавий, сўнгра умумжаҳон маданияти тараққиётига кўрсатган таъсири билан характерланади. Бунга мисол тариқасида Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино ва Берунийларнинг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Демак, кўпгина Марказий Осиёлик олимлар жаҳон маданияти, фани ва фалсафий тафаккурини ўрганиш натижасида миллий ва минтақавий маданий тараққиётдан умумжаҳон маданияти тараққиёти даражасига кўтарила оладилар ва кейинги даврлар умумбашарий маданий тараққиёт жараёнига туртки берадилар.

Хулоса қилиб айтганда бу давр маданияти, биринчидан, исломни қабул қилган ўлкалардаги иқтисодий ривожланган шаҳарларга бориб илм ўрганиш ва ўргатиш - илм соҳиблари ва илми-толибларнинг эркин ҳаракатланиши учун имкониятларнинг мавжудлиги, иккинчидан, миллий маданиятларнинг қобиғидан чиқиб, бошқа халқлар маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш, бошқа халқлар маданиятини бойитиш ҳамда ундан қувват олиш имкониятларининг мавжудлиги, учинчидан, савдо - сотиқ билан шуғулланувчи савдогарлар, ислом ғояларини тарқатувчи машойихлар, дарвешлар, муридлар, мударрислар ва толиби-илмларнинг «мусулмон маданияти» ни бутун ислом оламига ёйиш имкониятларига эга бўлганликлари, тўртинчидан, ўша давр ҳукмдорларининг фан ва маданиятнинг ривожланишига ёрдам бериш, олиму-фузалоларга ғамхўрлик қилиб, уларнинг кенг кўламда тадқиқот ишларини олиб боришларига имконият яратиб берганликлари каби

хусусиятлари билан ажралиб туради³.

Темурийлар даври маданиятининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маданий тараққиётидаги ўрни. Амир Темур ўз тасарруфидаги мамлакатларнинг мавжуд бойликларини ишга солиб, ўз империясини иқтисодий ва маданий жihatдан юксалган қудратли давлатга айлантиради. Мамлакат ичида бирлик ва барқарорликни ўрнатиш, тинчликни таъминлаш учун кўплаб чора - тадбирларни амалга оширади. Халқнинг диний эътиқодини мустахкамлаш мақсадида халқ ишончини қозонган рухонийлар, тасаввуфнинг йирик вакиллари обрўсини янада баланд мартабага олиб чиқади.

Темур даврида ҳам ўрта асрлардаги сингари илм-фан тараққиёти учун муайян шарт-шароитлар яратилади. Амир Темур илм ахллари ўз хомийлигига олади, уларни етарли маош билан таъминлайди. Айниқса, Самарқанд шаҳрини илм-фан, адабиёт ва санъат марказига айлантиради. Бу ерга дунёнинг кўп жойларидан фозилу фузалоларни, санъаткорларни йиғади. ўзи забт этган мамлакатлардан нафақат қимматбаҳо бойликларни, балки нодир китобларни ҳам олиб келади. Темур ўз саройида нодир кўлёзма ва китобларни сақлайдиган йирик кутубхона - «Китоби гумбаз»ни қурдиради.

Амир Темур илк уйғониш даври илм ва санъатпарвар ҳукмдорлари анъаналарини давом эттириб, математика, геометрия, астронимия, тарих, фалсафа каби фанларнинг ҳамда шеърят, мусиқа ва меъморчиликнинг ривожланишига катта имкониятлар яратиб беради. У ўзининг ҳар бир сафари чоғида олимларни, тарихчиларни, мунажжимларни санъаткорларни, хаттотларни ўзи билан бирга олиб юрган. Натижада ўз тасарруфига киритган барча юртларнинг маданий ҳаётини ягона маданий тарраққиёти жараёни ривожига сафарбар эта олган.

³ Qarang: O'sha manba 35-38 betlar

Амур Темур шеърят ва мусиқа санъатига катта қизиқиш билан караган. Шу боис Амир Темур даврида турк тилида асарлар ёзиш янада кучайган. Самарқанд, Хирот, Алх ва бошқа шаҳарларда турли турк адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари тўпланган. Вамберининг кўрсатишича, Темурнинг «сарой ажнабий уламолар ва хунармандлар билан тўла эса-да; мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Хатто мўғул, уйғур ёзуви-насронийлик, буддавийлик мажусийлик дари ўлароқ- мутаассиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрилган ҳолда, муҳофаза этилди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очик турк шеvasида ёзар эди... «Тузуқот» фикримизни исбот этадир. Шундоғ бўлса-да, у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва тақлиф сўзларига қулоқ соларди». (Қаранг: Х. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т. , ғ.ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 . 56-бет.).

Уч хонлик даврида ижтимоий-маданий ривожланишнинг орқага кетиши, сабаблари ва оқибатлари.

Вужудга келган уч хонлик ўзаро тил топиша олмайди. Хаттоки юрт бошига ён бостириб келганлар, душманга зарба бўлиб тушадиган муштга айлана олмайди. Натижада рус истилъоси исканжасига осонгина тушиб қолади. Моддий ва сиёсий қарамлик, маънавий зулм сиртмоғига илинади.

Рус истилъочилари маҳаллий халқнинг маънавияти, қадриятлари, диний эътиқодларини оёқ ости қила бошлайдилар. Халқнинг маънавий меросга бўлган муносабатларини ўзгартиришга, унинг онгига ўз манфаатига мос келувчи мафкурани тикинтиришга интиладилар. Халқни ичдан емирувчи барча воситаларни ишга соладилар. Моддий ва маънавий бойликлар талон-тарож қилинади.

Шунга қарамасдан, рус истилъоси билан бирга Европанинг илғор фан ва техникаси кириб кела бошлайди. Ерли халқ орасидан ёшларни ана шу замонавий фан ва техникадан воқиф бўлишга чорловчи

маърифатпарварлар етишиб чиқадилар. Халқнинг моддий, сиёсий ва маънавий зулмдан озод бўлишининг бирдан-бир йўли, янгича таълимни жорий қилишда деб ҳисобловчи "жадидлар" ҳаракати вужудга келади.

Миллий санъатда янги жанр - театр санъати пайдо бўлади. Халқни мустамлакачилик ибтидодига қарши курашга чорловчи вақтли матбуот шаклланади.

XX аср бошларига келиб маънавий таназзули чуқурлашиб бораётган Бухорода янги оқим - "Жадидчилик ёки фикрлилар" оқими вужудга келади. Бу оқим тарафдорлари Бухоронинг иқтисодий-сиёсий жихатдан кучли давлатлар қаторига чиқишга учун курашга бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол иштирокчиларидан бўлган Садриддин Айний ўзининг "Жадидлар ёки ёш бухороликлар партияси таркиби ёки ёзилмай қолган режалар" номли асарида "Жадидчилик ҳаракатининг" мақсад ва вазифаларини баён қилади. Жадидлар ўз олдларига саводсизликни тугатиш, халқ тафаккурини юксалтириш, янги мактаблар ташкил этиш, жадидчилик адабиётини тарқатиш, диний мутаассибликка қарши кураш, давлат арбобларининг қабихлиги, зулмкорлигини, қонунчиликни бузилиши, адолатсизликнинг авж олганлигини фош қилиши, ахлоқсизлик ва бидъатга, эркилик сарқитларига чек қўйиш каби мақсадларни қўядилар. (Қаранг: Ўзбекистон тарихи, Т., Ўқитувчи. 1994, 229-230 бетлар).

1905 йилга келиб, жадидчилик ҳаракати икки оқимга: маориф соҳасини ислох қилиш зарурлиги ғоясини илгари сурувчи "янгичилар" ва илоҳиёт таълимини ислох қилишга қарши турувчи "қадимийчилар"га бўлинадилар.

Жадидчилик ҳаракатининг "ғоявий раҳнамоси" Исмоил Гаспиринскийнинг Туркистонга қилган сафари (1893 йил)дан сўнг Туркистонда жадидчилик ҳаракати авж олади. Жадидчилик ҳаракатига қўшилган тараққийпарвар кучлар Туркистоннинг энг йирик шаҳарларида бу ҳаракатнинг асл мақсади ва вазифаларини тарғиб қила бошлайдилар.

Лекин бу ҳаракат осонлик билан ёйилмайди. Бу ҳаракатга биринчи навбатда халқнинг миллий уйғонишидан чўчийдиган рус мустамлакачилари, иккинчи томондан эса уларни қўллаб-қувватловчи миллатфуруш гуруҳлар, учинчи томондан мутаасиб ва жохил рухоний гуруҳлари қаршилик кўрсатадилар.

"Жадидчилик" ҳаракати вакилларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли савод ўргатишнинг янги усул мактаблари ташкил қилина бошланади. Биринчи жадид мактаби Бухорода 1893 йилда Исмоил Гаспиринский ва Амир Абдулахадхоннинг келишуви асосида ташкил этилади. Кейинчалик Қўқонда, Андижонда, Тошкент ва бошқа шаҳарларда жуда қийинчилик билан ташкил этила боради. 1903 йилга келиб Туркистон ўлкасида 102 та жадидчилик мактаблари фаолият кўрсатган эди.

XX аср бошларига келиб Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёйишда "Садои Туркистон" газетаси муҳим рол ўйнайди. Бу газетада жадидчилик ҳаракатининг Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (биринчи олий маълумотли ўзбек юристи), Мунаввар Қори, Абдулла Авлони, Абдулхамид Чўлпон, Хамза, Тавалло, Абдулла Қодирий, Махдумхўжа, Бехбудий, Лутфилла Олимов, Абдурауф Музаффарзода, Мирмухсин Шермухамедов, Шокиржон Рахимий ва бошқаларнинг халқ тарихи ва маданиятини, жадидчиликнинг моҳияти, ўша давр сиёсий воқеаларини ва бошқа долзарб муаммоларга бағишланган мақолалар билан чиқиш қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ва унинг илғор вакиллари миллий онгнинг уйғониш ва шаклланишида, мустамлакачилар ўртасида сиёсий парокандаликни келтириб чиқаришда буюк хизматларни бажарадилар.

XVII - XIX асрда халқ маданияти, яъни масҳарабозлик, қизикчи, дорбоз, қўғирчоқбоз санъати, халқ педагогикаси, ўйинлари, ижоди,

одатлари, маросим-байрамлари ҳам нихоятда ривожланди⁴.

Чор Россияси ва шўролар мустамлакаси даврида Европача маданиятнинг кириб келиши ва руслаштириш сиёсатининг оқибатлари.

1917 йил 7 ноябрь куни рўй берган, тарихда Улуғ Октябрь социалистик революцияси деб ном олган Октябрь тўнтаришидан сўнг маданий революция қилиш, социалистик маданиятни яратиш ишига жадал киришилади.

Пролетар маданиятни яратиш зарур деган ғояни илгари сурган пролеткультчилар қадимдан қолган барча моддий ва маънавий маданиятни йўқ қилиб ташлашга киришадилар. Қадимий китоблар, архитектура ёдгорликлари, масжиду мадрасаларга хужум бошланади. Китоблар ёндирилади, қадимий бинолар бузиб ташланади, айрим қолганлари эса омборхона, отхоналарга айлантирилади.

Кишилар онгидаги диний қадриятларни тугатиш, барча жамоат ташкилотлари аъзоларида коммунистик онглиликни ва ахлоқни тарбиялаш, ишчи ва деҳқонларнинг маданий ҳамда техникавий савиясини зиёлилар савияси даражасига кўтариш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ва коммунистик ижтимоий муносабатларни қарор топтириш, диний урф-одатларни, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги сохта тафовутларни тугатиш кабилар кирар эди.

1918 йилнинг мартада маориф халқ комиссарлиги ҳузурида барча маданий-оқартув ишларига раҳбарлик қилувчи мактабдан ташқари бўлим ташкил этилади. «Саводсизликни тугатиш» шиори остида республикамизнинг 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча аҳолисини янгича сиёсатдаги советлар мафкурасини ўрганишга мажбур этилади. Шу

⁴ Qarang: O'sha manba 40-46 betlar

даврларда 1000 га яқин саводсизликни тугатиш мактаблари, кўплаб кутубхона, кироатхона, клуб, қизил чойхона, хотин-қизлар клублари ҳам иш олиб борди. Бу муассасалардаги амалдаги фаолият одамлар онгига сохта советлар мафкурасини сингдиришдан иборат эди. Бу мафкуранинг таъсирчанлигини янада ошириш учун театр санъати ривожига эътибор берилиб, 1918 йилда ўлка сайёр драматик труппаси ташкил этилди. Тошкентда М.Уйғур бошчилигида драматик труппа тузилади, театр мактаби очилади. Ўзбекистон компартияси ўзининг 1925 йилнинг 1-съездида маданий-оқартув ишлари халқда резолюсия ишларни кучайтириш, саводсизликни тугатиш мактабларни кўпайтириш, «битсин саводсизлик» деган жамоат ташкилоти қишлоқ ячейкаларини мустаҳкамлаш, бу ишларга ўқитувчиларни жалб қилиш, қишлоқларга маданий ёрдам кўрсатувчи отрядлар тузиш лозимлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон компартиясининг ИИ съездида «Клуб иши» ҳақида алоҳида резолюсия қабул қилинди. Унда клуб ишчилар оммаси маданий савиясини оширишнинг энг синалган, оммани Совет ҳокимияти ва партия вазифаларини бажаришга, социалистик қурилиш масалаларини муҳофаза қилишга жалб этишнинг воситаларидан бири эканлиги ҳамда ушбу вазифаларни ишчилар оммаси фаоллиги ва ҳаваскорлигини ошириш асосида олиб бориши лозимлиги кўрсатилади.

Мамлакатда социализмнинг узил-кесил ғалаба қозониши билан маданий революциянинг 1-даври тугалланди, деб ҳисобланди. Бу даврда саводсизликни тугатиш, янги совет зиёлиларини етиштириш, умумий мажбурий таълимни жорий этиш, маданият таркибидан миллий қадриятларни сиқиб чиқариш, марксизм-ленинизм идеологиясини бутун жамият идеологиясига айлантириш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни тугатиш, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни шакллантириш каби масалалар долзарб қилиб қўйилди.

Мана шу мафкуравий режалаштирилган сиёсат натижасида Шўролар даврида ижтимоий-маданий муассасалар халққа хизмат қилиш ўрнига, бутунлай коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи масканларга айлантирилди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик асарлар яратиш талаби эса бир-бирига ўхшаш, мазмунан саёз, бир хил қолипга солинган зўрма-зўраки ёзилган асарлар яратилишига замин бўлди.

Шўролар даври ижтимоий-маданий фаолиятида маҳаллий шароитни ҳисобга олмаслик, Европа ва Россияга ҳос шаклларни зўрма-зўраки тикиштириш, маданий мерос ва миллий анъаналарни инкор этиш, бузиб кўрсатиш халқ ижодини менсимаслик каби кўплаб ҳатоликлар мавжуд эди.

Шўролар даврида қуйидаги шакллардан кўпроқ фойдаланилар эди: жонли газета, оғзаки журнал, митинг кечалари, портрет кечалари, концерт лекциялар, агитсудлар, намойиш, тематик кечалар, агитбригада томошалари ва хоказолар.

Собиқ шўролар даврида маданият ишлари маданий-оқартув иши номи билан юритилар, уларнинг асосий иш мазмуни тоталитар тузум мафкурасининг бадий воситалар орқали аҳолининг энг қуйи қатламларига қадар етиб бориши учун хизмат қилар эди. Ўша даврдаги клуб муассасаларига одамлар деярли киришмас, бадий ҳаваскорлик ижодиёти номига ташкил этилар эди. Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарнинг эшикларига қулф солиб қўйилган бўлиб, улардаги китоблар сони 3-5 мингдан ошмас, улар ҳам асосан сиёсий адабиётлардан иборат эди.

1.2. Истиқлол йилларида маданият ишларини ислоҳ этилиши.

Маълумки, собиқ тоталитар тузум даврида маданият асосан коммунистик ғояларни тарғиб қилиш, инсонни сиёсий тутқунликда асраб туриш учун керак эди. Бунинг учун эса сиёсийлашган маданиятни шакллантириш зарур эди.

Бунинг учун барча имкониятлар, маблағлар сафарбар этилар эди. Миллий маданиятимиз ва санъатимиз истибдод йилларида ҳар жиҳатдан камситилди, ўша даврда ягона ҳисобланган совет мафкурасига бўйсундирилди. Фақат, мустақиллик туфайли юртбошимиз И.Каримов раҳномолигида ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихга эга бўлган маданияти ва санъатидан тўлақонли фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон халқи ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданият ва санъат йўналишларида ҳам янги, тарихий туб ислохотлар амалга оширилиши кенг йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, муҳтарам юртбошимиз И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”, деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг демократик фуқаролик, одил жамият қуриш мақсад қилиб олинди. Маданият озод ва эркин инсонни шакллантиришга хизмат қила бошлади. Бу борада улкан тарихий ва жаҳоншумул ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- Халқимизнинг тарихий хотираси тикланди;
- совет даврида таъқиқланган асори-атиқалар, маданий мерос, қадриятлар миллий-тарихий онгни шакллантиришга йўналтирилди;
- Халқимиз ўз миллий тилига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди;

- миллий онг, миллий рух, диний эътиқодлар, халқ одатлари тикланди;
- халқ ижоди, миллий ўйинлар, тарихий меъморчилик санъати, кўпгина анъанавий ижод турларига яна ҳаёт бахш этилди.
- халқ одатлари, маросимлари ва байрамлар миллий байрамларимиз тикланди; (Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити) янги байрамлар (Мустақиллик куни, Ўқитувчилар куни, Хотира ва қадрлаш куни кабилар) жорий этилиб, халқ маънавий ҳаётига янги рух ва мазмун бағишламоқда;
- ислом дини халқимиз маънавиятининг узвий қисмига айланди;
- диний кадрятларнинг тикланди, мачит ва мадрасалар таъмирланди, диний адабиётлар нашр этилмоқда, виждон эркинлиги тўла таъминланмоқда;

Истиқлол йилларида мухтарам Президентимиз томонидан маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида 30 яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, “ ”Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида”, “Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”, “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”, “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”, “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”, “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” номли ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Халқ ижоди бўйича республика ва халқаро анжуманларнинг ўтказилиши, аجدодларимиз мероси, миллий-ахлоқий маданият дурдоналари ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, халқ

хунармандчилиги ва тасвирий санъат кўриги, оилавий ансамбллар ва лапар ижрочилари танловлари, «Алла» ижрочиларининг кўриги, фольклор-этнографик ансамбллари фестивали, дорбозлар, анъанавий сирк санъати, кўғирчоқ театри жамоаларининг кўрик-томошалари, қадимий кўшиқлар, урф-одатлар ва маросимлар намоишлари каби тадбирлар шулар жумласидандир⁵.

– Республикамизда маданият соҳасининг янги тизими вужудга кела бошлади. Жумладан, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, «Таълим маркази», «Ўзбеккино», «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбекмузей», «Ўзбектеатр», Бадий академия, Миллий маданий марказлар каби кўплаб маданий-маърифий ташкилотларнинг тузилиши республика маънавияти асосий соҳаларининг равнақ топишига замин бўлди.

– маданият ва санъат соҳасида нодавлат, нотижорат ташкилотлар таркиб топди;

– улуғ аждодларимиз таваллудларининг юбилейларини нишонлаш йўлга қўйилди;

– Ўзбекистонда ўтказиладиган маданий тадбирлар жаҳон жамоатчилиги эътиборига созовор бўлиб, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолият йўлга қўйилди;

– Ҳар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусика анжумани нишонланмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрель ПҚ-1091-сон «Ягонасан, муқаддас Ватан» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маданият ва санъат, хусусан, ёшлар ижоди равнақида муҳим ҳодиса бўлди. Бу кўрик-танловнинг бош мақсади: миллатимиз, халқимиз, энг аввало, эртанги кунимизнинг ишончи

⁵ U.Qoraboyev “Madaniyat masalalari” T-2009 25-28 betlar

бўлган ёшларимиз қалбида ўз она Ватанига бўлган меҳр ва муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғотиш, Ватанни шарафлайдиган, улуғлайдиган, кадр-қиммати, шаъни, шавкатини ифодалайдиган мазмунан теран кўшиқлар яратиш, шу билан бирга ёшлар орасидан истеъдод соҳибларини излаб топиш ва кашф этишдир. Шу боис, ушбу кўрик-танловни ўтказиб келинаётган барча танловларнинг умумлашмаси, десак муболага бўлмайди.

Ўзбек санъати жаҳонга танилмоқда, кўплаб фольклор жамоалари жумладан, Тошкентнинг «Камалак», Андижоннинг «Сумалак», Хоразмнинг «Мерос» каби фольклор-этнографик ансамбллари хорижий мамлакатларга ташриф буюриб, халқаро анжуманларда қатнашиб, ажнабийлар эътиборига нодир санъатимиз дурдоналарини ҳавола этишмоқда. Чет элларда ўзбек халқ маданияти ва ижодига оид кўплаб китоблар, мақолалар чоп этилмоқда. Ўзбек халқ эртаклари, мақоллари, иборалари, афсоналари Хитойда, Эронда, Туркияда, Олмонияда, Америкада нашр этилгани қувончли ҳолдир.

Хуллас, мустақиллик шарофати билан халқ ижодининг ранг-баранг турларининг тикланиши — халқимизнинг тарихий онги, миллий маънавиятини шакллантириш ва раванг топтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маданий ислохотлар мамлакат Президенти Ислам Каримов томонидан таклиф этилган бешта тамойил бўйича амалга оширилмоқда. Маданият соҳасида ҳам бош ислохотчи — бу давлатнинг фаол бошқарувчилик роли ва ўрни бўлиб бу ишларнинг муваффақиятини таъминламоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон маданият ташкилотлари ва муассасалари тизимида икки йўналиш пайдо бўлмоқда:

Давлат маданият ва санъат ташкилот ва муассасалари

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари

Давлат тасарруфидаги ташкилотлар:

а) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ташкилотлар;

б) давлат акционерлик жамиятлари, компаниялар, бирлашмалар: «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ИИЧБ, «Ўзбекракс», «Мусаввир» илмий ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўзбек-музей» бирлашмаси, «Ўзбектуризм» акционерлик компанияси ва бошқалар.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари:

а) жамғармалар;

б) ижодий ташкилотлар, жамиятлар ва уюшмалар;

в) маданий-маърифий марказлар.

Ижодий ташкилотлар, жамият ва уюшмалар: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси, Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, Ўзбекистон тарихчилар жамияти, Ўзбекистон «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқалар. Маданий-маърифий марказлар: Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон ҳуқуқий маданият маркази, Ижтимоий фикр жамоатчилиқ маркази, Ўзбекистон ижтимоий фалсафа ва миллий тикланиш маркази, Ўзбекистон байналмилал маданият маркази, Миллий-маданий марказлар (рус, украин, қozoқ, корейс каби) ва халқаро алоқалар жамиятлари.

Давлат тизимида янгидан тузилган кўпгина ташкилотлар, масалан, «Ўзбектелерадио» компанияси, «Ўзбеккино», Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр», «Ўзбектуризм» кабилар самарали

фаолият кўрсатишмоқда⁶.

Ҳозирги даврда ёшлар маънавиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшлар онгида ва маънавий ҳаётида бўшлиқнинг пайдо бўлишига қарши маҳаллий маданият муассасаларининг фаолияти ғоят катта аҳамиятга эгадир. Клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, истироҳат боғлари маҳаллий аҳоли ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ва уларни ғоявий, маънавий камол топишига янада самарали хизмат қилиши керак.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият – инсон учун мавжудлик белгиси. Маънавий бойлик – у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас.

Шу ўринда мамлакат юртбошисининг «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»⁷, – деган фикрларида жуда мантиқ ва маъно бор. Бироқ, шўролар мустабид тизими шароитида ўзбек миллий маданияти ҳаддан ортиқ даражада кўп зарар кўрди. Барча мустамлакачилик каби коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўзбек халқини қул қилиш учун энг аввало шу халқнинг миллий маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар.

Таъкид этиш жоизки, маънавий маданияти юксак, унинг илдизлари бақувват халқнинг ижтимоий онгидан шу халқ маданиятини ҳеч қачон тамомила йўқ қилиш мумкин эмас. Тўғри мустамлакачиликлар натижасида ўзбек маданиятига катта зарар етказилди, унинг маънавий илдизларини қирқиб ташлашга уринилди. Лекин улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

⁶ U.Qoraboyev “Madaniyat masalalari” T-2009 30-88 betlar

⁷ Karimov I. Tarixy xotirasiz kelajak yoʻq. T., 1998. 18-bet.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бунга яқин ва узоқ тарих гувоҳдир. Эндиги вазифа – маънавий ҳаётдаги барча йўқотишларнинг ўрнини қоплашдан иборат бўлди. Бу нарса халқимизнинг маънавият ва маърифатга муҳтожлиги ва унинг танқислиги билан белгиланди. Кишининг ўзлигини англаши, ўз шаънини ҳимоя қила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун ориф бўлмоғи, қалбининг тубида, жиндай бўлса-да, маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим. Ана шунда одам гуноҳдан ҳазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутди. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди⁸.

Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачиликлар даврида йўқотилган, тапталанган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни уйғотди.

Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун мавжуд бўй-бабини кўрсата билди. Театр, муסיқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожи гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди.

⁸ Jo'rayev N. Tarix falsafasi. T., 1999, 150-bet.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 37 та драматик, мусикали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадиий замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлар чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ўзининг театр ташкилотлари ҳамда минтақавий бўлимига эга бўлиб, мулкчилик шаклларида ва қандайдир муассасага идоравий дахлдорлигидан қатъи назар мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр студияларида халқ театрлари ва бошқа тегишли ташкилотлар жамоаларини ихтиёрий тартибда бирлаштирди⁹.

Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябрь ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестиваль доирасида 32 та спектакль намоиш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ томошабин томоша қилди.

⁹ O'zbekiston Respublikasi. 100 savolga 100 javob. T., 1998, 177-bet.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг қўламли маънавий кўзгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлига айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий қўшиқчиликка бўлган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халқнинг кўнглига яқин мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимо рағбатлантирди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мусиқа санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди. Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, қўшнаё, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида ҳаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, машҳур санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиков, Жанақ Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Айни вақтда 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, июнь ойида Қўқонда ўтказилган IX анъанавий ва лапар, ялла ижроияларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган XII анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимиз ҳукумати қўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда 1995 йил декабрда «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди.

Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда жуда катта кўтаринкилик руҳида ўтказилди ва унинг натижасида юзлаб янги, мустақиллик даври кўшиқлари яратилди, кўплаб истеъдодли санъаткорларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

«Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусикий асарлар яратилди. қайд этиш лозимки, мазкур танлов истиқлолни, Ватанни, ўзлигини англашда муҳим кадам бўлди. Халқимизнинг бундай тадбирга қизиқиши ортиқ бўлди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида» махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами куни, деб белгилаб қўйилди. Айни пайтда, халқимизнинг кўшиқчилик санъатига бўлган буюк қизиқишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур кўрик-танлов ҳозирда оммавий тус олди, унда нафақат ўзбек миллий, шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа барча халқлар вакиллариининг эркин ижод қилиши, ўз санъатларини намойиш этиш имконияти яратилди. Профессионал ва халқ бадиий ижодиёти асосида санъатнинг кўшиқчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйғун ривожланишига шароит яратилиши туфайли мазкур санъат тури янада ривож топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга бўлган буюк моддий маданият яратилди. Улар халқаро ҳамжамият томонидан аллақачон эътироф этилган. Бироқ, шўролар мустабид тизими даврида Ўзбекистон моддий маданиятига катта зарар етказилди. Минглаб

ноёб маданият дурдоналари, асори-атиқалари хорижга, асосан, Москва, Санкт-Петербург музейларига ташиб кетилди. Миллий ўзликни англашда бундай ёдгорликларнинг аҳамияти катта эканлигини эътиборга олиб, мустамлакачилар иложи борица улар ижтимоий-маданий аҳамиятни камситишга ҳаракат қилдилар.

Аммо, мустақиллик бундай жирканч сиёсатга барҳам берди. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ музейлар, кўриқхоналарнинг ўрни ва ролини белгилаб беришга алоҳида аҳамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Шу билан бирга Самарқандда Давлат музей-кўриқхонаси, Бухорода Давлат музей-кўриқхонаси, Хивада «Ичон-қалъа» давлат музей-кўриқхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра, республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сақланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида барча музейларга 1655400 киши ташриф буюрди¹⁰.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг ўз миллий ўзлигини англаш жараёнини янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 5 декабрда эса «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарорларни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга

¹⁰ «Moziydan sado», 2000, №1-2, 22-bet.

биноан барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди¹¹.

Кўрилган барча тадбирлар натижасида музейларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти анча ортди, уларнинг ўзбек халқи миллий ўзлигини англаш жараёнидаги роли кучайди. Музейларга эътибор хорижлик фуқароларнинг Ўзбекистонга, унинг бой ва қадимий маданиятига бўлган қизиқишини оширди.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият-инсон учун мавжудлик белгичи. Маънавий бойлик у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас. Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачилик даврида йўқотилган, тепаланган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни ўйғотди. Истиклол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бугун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт раванқ топди. Айниқса, театр санъатининг ривожини гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий

¹¹ «Guliston», 1998, №2, 5-bet.

эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини кондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши танижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусика санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусикаси кенг кўламли маънавият кўгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлиги айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий турмушимиздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий таъйиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти – буларнинг баричи Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшаши учун мустаҳкам замин яратилди.

I боб бўйича хулоса

Тарихдан маълумки, барча даврларда маданият, илм-фан масалаларига ҳукмдорлар томонидан алоҳида эътибор берилиб келинган. Хаттоки, ибтидоий жамоа пайтида ҳам одамлар байрамларни ўзига хос равишда нишонлаб келганлиги тўғрисида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Тарихий маълумотларга қараганда ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик ўйинлари муҳим ўрин тутган. Баъзи манбаларда улар овдан олдин ўтказилганлиги, баъзиларида эса овдан кейин ўтказилганлиги қайд этилади. Овдан кейинги ўйинлар ов муваффақиятли тугагандагина уюштирилган. Чунки овдан ўлжа билан қайтиш – бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган. Овчилар бундай ўйинлар ёрдамида “... кун бўйи ов қилиб, чарчаб қайтгач, кечкурунлари ўзларига дам бериш, бугунги таассуротларини, кайфият ва туйғуларини, овдан мамнунликларини, тўқликни, шўхликларини ифодалашарди”, деб ёзади профессор М.Рахмонов “Ўзбек театри” асарида.

Маданият ишларининг тарихини қуйидаги асосий тараққиёт босқичларга ажратиш мумкин.

6. Араблар истильосигача бўлган даврда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-маданий тараққиёти.

7. Ислом маданияти ва унинг Мовароуннаҳр халқларига таъсири даврида маданият.

8. Темурийлар даври маданиятининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маданий тараққиётидаги ўрни.

9. Уч хонлик даврида ижтимоий-маданий ривожланишнинг орқага кетиши, сабаблари ва оқибатлари.

10. Чор Россияси ва шўролар муштамлакаси даврида Европача маданиятнинг кириб келиши ва руслаштириш сиёсатининг оқибатлари.

Миллий маданиятимиз ва санъатимиз истибдод йилларида ҳар

жихатдан камситилди, ўша даврда ягона ҳисобланган совет мафкурасига бўйсундирилди. Фақат, мустақиллик туфайли юртбошимиз И.Каримов раҳномолигида ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихга эга бўлган маданияти ва санъатидан тўлақонли фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон халқи ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданият ва санъат йўналишларида ҳам янги, тарихий туб ислохотлар амалга оширилиши кенг йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, мухтарам юртбошимиз И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”, деб таъкидлайдилар.

Истиклол йилларида мухтарам Президентимиз томонидан маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида 30 яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, “ ”Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида”, “Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”, “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”, “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”, “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”, “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” номли ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг демократик фуқаролик, одил жамият қуриш мақсад қилиб олинди. Маданият озод ва эркин инсонни шакллантиришга хизмат қила бошлади. Бу борада улкан тарихий ва жаҳоншумул ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- Халқимизнинг тарихий хотираси тикланди;
- совет даврида таъқиқланган асори-атиқалар, маданий мерос, қадриятлар миллий-тарихий онгни шакллантиришга йўналтирилди;
- Халқимиз ўз миллий тилига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди;
- миллий онг, миллий руҳ, диний эътиқодлар, халқ одатлари тикланди;
- халқ ижоди, миллий ўйинлар, тарихий меъморчилик санъати, кўпгина анъанавий ижод турларига яна ҳаёт бахш этилди.
- халқ одатлари, маросимлари ва байрамлар миллий байрамларимиз тикланди; (Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити) янги байрамлар (Мустақиллик куни, Ўқитувчилар куни, Хотира ва қадрлаш куни кабилар) жорий этилиб, халқ маънавий ҳаётига янги руҳ ва мазмун бағишламоқда;
- ислом дини халқимиз маънавиятининг узвий қисмига айланди;
- диний қадриятларнинг тикланди, мачит ва мадрасалар таъмирланди, диний адабиётлар нашр этилмоқда, виждон эркинлиги тўла таъминланмоқда.

II БОБ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ СОҲАСИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

2.1. Маданият тизимидаги давлат ва нодавлат муассасалари фаолияти таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон **Фармони**ни бажариш юзасидан вазирликнинг низоми ва вазирлик тизимидаги қирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида қирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати

II. Маданият муассасалари

1. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.
2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.
3. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дирекцияси.
4. Оркестр (симфоник, камерли, халқ чолғу асбоблари).
6. «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси.
7. «Ўзбексирк» республика бирлашмаси.
8. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби.
9. Ўрта махсус таълим муассасалари.
10. Республика методика ва ахборот маркази.
11. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази.
12. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси.
13. Бадиий экспертиза бошқармаси.
14. «Ўзбекмузей» республика жамғармаси, республика музейлари.

15. «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари таҳририятлари.

16. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси.

17. Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси.

18. Республика маданий-маърифий муассасалари.

II. Спорт муассасалари

19. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.

20. Олимпия захиралари коллежлари.

21. Спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари.

22. «Сертификатлаш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонаси.

23. «Спорт» газетаси таҳририяти.

24. Олимпия шон-шухрати музейи.

25. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби.

26. Республика олимпия захиралари теннис мактаби.

27. Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази.

28. Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби.

29. Федерациялар ва ассоциациялар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ

ВАЗИРЛИГИ

Рахбарият

Маданият ва спорт ишлари вазири
Вазирнинг маданият бўйича биринчи ўринбосари
Вазирнинг спорт бўйича биринчи ўринбосари
Вазир ўринбосари
Вазир ўринбосари – “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг бош директори
Вазир ёрдамчиси

Вазирлик марказий аппарати бошқармалари


Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси бошлиғи
Таълим муассасалари, фан ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи
Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи
Маданий-маърифий муассасалар, музейлар,

ахборот–ресурс марказлари бошқармаси бошқармаси бошлиғи
Ижодий бирлашмалар ва халқ ижодиётини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
Оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
Олимпия ва спорт захиралари бошқармаси бошлиғи
Халқаро алоқаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
Иқтисодий таҳлил ва молия бошқармаси бошлиғи
Кадрлар бошқармаси бошлиғи
Ишлар бошқармаси бошлиғи
Ахборот-таҳлил ва матбуот хизмати бошқармаси бошлиғи
Матбуот хизмати
Девонхона мудири


**Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлигининг тузилмаси**



Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаларининг намунавий тузилмаси



Туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимларининг намунавий тузилмаси



Маданият ва истироҳат боғлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ватанимизда анъанавий табиий-маданий маскан сифатида азалдан машҳур бўлиб келган. Ҳозир ҳам бу гўзал масканлар кўпчиликнинг севимли маданий дам оладиган жойлари ҳисобланади.

Эндиликда халқимизнинг маданий боғдорчилик анъаналари қайта тикланмоқда. Маданият ва истироҳат боғларида аجدодларимиз тажрибалари асосида гулзор, хиёбон, чорбоғ яратиш анъаналаридан фойдаланилмоқда. Республикамизда нафақат тарихда машҳур бўлган боғлар, масалан, Самарқанддаги Амир Темури боғлари тикланмоқда, шунингдек, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ каби машҳур янги боғлар барпо этилмоқда. Анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган янги боғлар Наманган, Фарғона, Хоразм ва бошқа вилоятларда ҳам вужудга келмоқда.

Республикамиздаги 120 дан ортиқ боғларнинг 3/4 қисми, яъни 90 таси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг **“Юксак маънавият - енгилмас куч”** китобида шундай таъкидланган:

Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлаймиз, улар билан ҳамкорлик қиламиз.

Масаланинг бошқа томони - маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитини яхшилаш.

Боғ – инсоннинг табиат билан яқин муносабатни ўрнатиши, табиий шароитда маданий дам олиши ва руҳий завқ олиши учун хизмат қиладиган маданий-маърифий муассаса ҳисобланади. Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда боғ барпо этиш жуда буюк савоб ишлардан бири бўлиб ҳисобланган ва қадимдан аجدодларимиз томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида боғлар яратилган.

Буюк бобомиз Амир Темур ўз тузукларида “Хон бўлсанг ҳам боғ ярат, гадо бўлсанг ҳам боғ ярат”,- деб бежиз ёзиб қолдирмаган. У ўз сўзларига амал қилган ҳолда Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида 12 та боғнинг бунёд этилишига бошчилик қилганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

Юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона ва бошқа ҳудудлари қадимдан ўзининг ажойиб боғ-роғлари ва оромгоҳлари билан машҳур бўлган.

Боғларнинг барпо этилишида юртимиздаги табиий шароит ҳам муҳим ўрин тутди. Яъни, баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ об-ҳавонинг исиши ва то кеч кузгача шундай ҳолатнинг сақланиб қолиши аҳолининг ва хорижий меҳмонларнинг табиат бағрида яйраб хордиқ чиқариши учун шароит яратилишини талаб этган. Юртимиз боғларида халқ сайиллари, оммавий томошалар уюштирилиб, бу тадбирлар номоддий маданий меросимизнинг ажойиб намуналари бўлган дорбозлик, кўғирчоқбозлик, халқ ўйинлари билан бойитилган, аския кечалари, мушоиралар уюштирилган. Ҳозирда эса боғлар умумхалқ байрамларини нишонлаш масканларидан ҳисобланади.

“Баркамол авлод йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида камида биттадан замонавий маданият ва истироҳат боғининг фаолият юритишига эришиш, уларнинг барчасини замонавий аттракционлар ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг маданий дам олишлари учун

шароит яратиш, уларни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, боғларни замонавий талабларга жавоб берадиган, турли ёш ва аҳоли гуруҳларининг дам олиш масканига айлантириш асосий мақсад этиб белгиланган.

Ушбу мақсадларга эришишда маданият ва истироҳат боғларини замонавий аттракцион ва ўйин қурилмалари билан жиҳозлаш, уларда замонавий кўнгилочар объектларни барпо этиш қаторида истироҳат боғлари билан боғлиқ азалий анъаналаримизни ҳам сақлаб қолиш ва улардан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланишни ташкил этиш ҳам зарур.

Дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун:

маданият ва истироҳат боғлари билан боғлиқ ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, боғлар фаолиятини мувофиқлаштириш тизимини яратиш;

маданият ва истироҳат боғларида кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрланишини мақсадли ташкил этиш, у ерда ишлаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

маданият ва истироҳат боғларида ўтказиладиган маданий тадбирлар кўламини ошириш, янги шакл ва услубдаги маданий ва спорт тадбирларининг ўтказилишига эришиш;

маданият ва истироҳат боғларида аҳолининг барча қатламлари учун, айниқса, оилавий дам олишга хизмат қиладиган шароит яратиш, хусусан:

сокин ҳудудда аҳолининг табиат қўйнида хотиржам дам олишини ташкил этиш, болаларда табиатни асраш туйғусини шакллантириш;

болалар майдончаларида кичик ёшдаги болаларнинг завқли ўйинлар билан машғул бўлишига шароит яратиш,

кўргазма залларида турли тасвирий санъат ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўргазмаларини ўтказиш орқали ёшларда эстетик дидни тарбиялаш;

эстрада майдонлари ва амфитеатрларда мумтоз, эстрада, фольклор йўналишларидаги концерт дастурларининг намоёишини ташкил этиш,

аҳолига кўрсатиладиган сервис хизматининг турларини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш.

Ушбу вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун маданият ва истироҳат боғлари ҳудуди ва уларда жойлаштириладиган объектларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва шу асосда ўрта типдаги маданият ва истироҳат боғларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш, намунавий лойиҳаларнинг жойлардаги мавжуд боғларни реконструкция қилиш лойиҳаларига мослаштириш лозим бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғлари - биринчи типда, йирик (аҳоли сони ва боғ майдони эътиборга олинади) шаҳар ва туманлардаги маданият ва истироҳат боғлари – иккинчи типда, ҳудудлардаги кичик ҳажмдаги боғлар учинчи типда бўлиши ҳисобга олиниб, ўрта типдаги маданият ва истироҳат боғларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар битта маданият ва истироҳат боғининг майдони икки ҳудуд:

аҳолининг тинч табиат қўйнида дам олиши ва ҳордиқ чиқаришига хизмат қилувчи сокин ҳудуд;

аҳолининг фаол дам олиши учун хизмат қиладиган гавжум ҳудудга ажратилиши таъминланишига амал қилиш зарур.

Шу билан бир қаторда:

сокин ҳудуд эгаллаган майдоннинг энг камида 65 фоизи дарахтзор, ҳаракатланиш йўлаклари, ҳордиқ учун ўриндиқлар, шунингдек ободонлаштирилган ерларга тўғри келиши, қолган 35 фоиз майдонга бошқа объектларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Маданият ва истироҳат боғларига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил этиш учун

ҳозирги кунда жуда кам боғлардагина фаолият кўрсатаётган кўнгилочар масканларнинг янги турларини барпо этиш вазифасини ҳам амалга ошириш зарур. Ёзги эстрада майдончалари, сунъий сув ҳавзалари, кўчма сирк томошаларини намоиш этиш майдончалари, болалар шаҳарчалари, рақс майдончалари, халқ амалий санъати намуналаринининг намоиши ва савдоси учун хизмат қиладиган объектлар шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида:

Республикадаги 148 та маданият ва истироҳат боғларининг сонини 77 тага кўпайтириб, уларнинг сони 225 тага етказилади;

2015 йилгача муддатда барча маданият ва истироҳат боғлари замонавий кўринишга келтирилиб, аттракционлар ва кичик ўйин қурилмалари билан жиҳозланади;

маданият ва истироҳат боғларининг ҳудудига ва уларда бўлиши лозим бўлган объектларнинг таркибига қўйиладиган талаблар асосида барча боғлар тартибга келтирилади;

маданият ва истироҳат боғларининг юридик мақоми, уларнинг мулкчилик шакли, бошқарув ва бошқа ташкилий жиҳатларини тартибга солувчи меёрий ҳужжатлар такомиллаштирилади;

маданият ва истироҳат боғлари малакали кадрлар билан таъминланади;

боғларда ташкил этиладиган маданий-оммавий, спорт тадбирларининг кўлами ва сифат даражаси ортади;

боғларга ташриф буюрувчиларнинг сони ортади;

маданият ва истироҳат боғлари ягона андоза асосида паспортлаштирилади, ҳар битта боғнинг фаолиятини ўрганиш имкониятини яратиш учун уларга гувоҳномалар берилади, бунинг натижасида барча боғларнинг тайёргарлик даражаси назорат остига олинади;

сервис хизматининг янги турлари ташкил этилади;
янги иш ўринлари очилади;
вояга етмаганларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказилишига эришилади.


Маданият ва истироҳат боғларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, қайси ташкилот ёки муассасага бўйсунитидан қатъий назар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, услубий ва амалий ёрдамни ташкил этиш, мавжуд меёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига юкланиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, боғларда олиб борилаётган маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирларнинг самарадорлиги ошириш, боғларнинг ушбу йўналишлардаги фаолиятини йўналтириш мақсадида Вазирлик қошида Республика маданият ва истироҳат боғлари директорларининг жамоатчилиқ Кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш, келажакда ушбу Кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш орқали Маданият ва истироҳат боғлари уюшмасини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Дастурни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари, инвесторлар ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. Шу мақсадда Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни аниқлаш ва узлуксиз молиялаштиришни ташкил этиш ишлари маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилган.

Маданият ва истироҳат боғларида барча тегишли шароитлар яратилиши натижасида ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имконияти юзага келади ва бу ўз навбатида қўшимча маблағларсиз фаолият кўрсатиш, зарур ҳолларда эса ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятини келтириб чиқаради. Аҳолига кўрсатиладиган сервис хизмати турларини

кенгайтириш, уларнинг сифатини ошириш орқали боғларга келувчиларнинг сони мунтазам ортиб боришига эришилади.

Маданият ва истироҳат боғлари маъмуриятининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги 178-сонли қарорига мувофиқ янги I, II, III типда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилди.

I типда – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 40 минг нафардан ортиқ бўлган ва камида 400 ўриндиқли томоша залига эга бўлган ҳолда шаҳарларда ва туманнинг маъмурий марказларида;

II типда – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 20 минг нафардан ортиқ бўлган ва ўриндиқлар сони 250 тани ташкил этадиган томоша залига эга бўлган ҳолда шаҳарларда ва туман марказларида;

III типда – хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони 7 мингдан ортиқ бўлган ва ўриндиқлар сони 150 тани ташкил этадиган томоша залига эга бўлган ҳолда шаҳарларда ва туман марказларида ташкил этилиши мумкин.

Шаҳарларда ва туман марказларида хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонидан келиб чиқиб I, II ва III типдаги марказлар, қишлоқ жойларда эса – фақат II ва III типдаги марказлар ташкил этилиши мумкин.

Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

- Марказ миллий анъанавий маданиятни сақлаб қолиш ва ўрганишда жамоатчилик эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш, бадий ижодни, бошқа ҳаваскорлик ижодий ташаббусларни ва аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, унинг дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этилади.

- Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси объектларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий студиялар ва тўғарақларни, шунингдек бадий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш йўли билан бадий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш (Марказнинг тўғарақлари, студиялари ва жамоалари йўналишлари ва номларининг тавсия этиладиган рўйхати илова қилинади);

- аҳолининг барча қатламлари томонидан талаб қилинган замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, Интернет-студиялар, электрон ресурслар, шу жумладан Интернет воситасида ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этиладиган кўп функцияли залларда қизиқарли ва мароқли томошалар, тўйлар ва бошқа тантанали тадбирлар, мунозара клублари, спортнинг стол

турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этиш;

- "Ўзбекистон ифтихори" ва "Юксак маънавият – енгилмас куч" шиорлари остида маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирларни, миллий адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари, спортчилар билан аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш, ушбу фаолиятга профессионал ижодий гуруҳларни ва санъат арбобларини жалб этиш;

- фото ва амалий санъатнинг доимий ва вақтинчалик кўргазмаларини, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг минифестивалларини ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш, шунингдек уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ва ижодкор ёшларнинг ютуқларини тарғиб қилиш;

- ҳаваскорлик бадиий ва амалий ижод жамоалари, студиялари ва тўғараклари, халқ театрлари, маданий-билиш, тарих-ўлкашунослик, илмий-техник, табиат-экологик, маданий-маиший, коллекция-тўплаш қизиқишлари ва бошқа қизиқишлар бўйича филармониялар, ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублар ташкил этиш ҳамда улар ишини ташкил этиш;

- маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ оммавий театрлаштирилган байрамлар ва томошалар, халқ сайиллари ўтказиш;

- Марказнинг имкониятлари доирасида, аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, унга ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган хилма-хил пулли хизматлар кўрсатиш, шу жумладан болаларни тўғаракларга жалб этиш;

- ижтимоий-ижодий буюртмалар, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган бошқа шартномалар бўйича турли маданий-оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда маслаҳат, методик ва ташкилий-ижодий ёрдам кўрсатиш, шунингдек қўшимча хизматлар кўрсатиш

(муסיқали асбобларни, реквизитни ижарага бериш, репертуар-методик материалларни сотиш ва шу кабилар);

- маданий-ижодий, маданий-билиш, дам олишнинг бошқа турларини ҳамда Марказнинг асосий вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Марказнинг асосий функциялари ҳисобланади:

- Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси объектларини сақлаб қолиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бўйича давлатнинг маданият соҳасидаги сиёсати натижаларини акс эттирувчи бадиий лойиҳалар ва дастурларни ижодий мужассамлаштириш;

- халқ ижодиёти жанрлари, номоддий маданий мерос бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш;

- Марказ мутахассисларининг малакасини ошириш, доимий ишловчи кўргазмалар, студиялар, маҳорат дарслари, семинарлар тизими орқали кўникмаларни ҳосил қилиш.

- Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

- Марказ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ушбу фаолиятдан олинган даромадларни ва ушбу даромадлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади.

I типдаги Марказлар:

II ва III типдаги марказларнинг муассасаларига ташкилий-методик раҳбарлик қилувчи методик марказ, маданият ва санъатнинг таянч муассасаси ҳисобланадилар;

Ўзининг хизмат кўрсатиш теграсига кирадиган туман маркази ва аҳоли пунктларида яшовчилар ўртасида турли оммавий ва маданий-тарбиявий ишларни ташкил этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

аҳолининг, айниқса ёшларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб тўғараклар, студиялар, бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолиятини ҳамда марказлар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматларни ташкил этиш юзасидан II ва III типдаги марказларни методик қўлланмалар, шунингдек янги репертуар тўплamlари билан таъминлайдилар;

Ўзбекистон Республикасининг миллий ва касб байрамларига бағишланган тадбирларни ўтказишда II ва III типдаги марказлар кенгрок жалб этилишини таъминлайдилар;

II ва III типдаги марказлар билан биргаликда номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар йилги тадбирлар режасини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадиладар.

Театрлар фаолияти. Мустақиллик йилларида санъат соҳасига давлатимиз томонидан жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Театр ва мусиқа санъати ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 26 мартда “Ўзбек театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 22 майда “Ўзбек театр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2001 йил 21 сентябрда “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, 2010 йилда Бухоро шаҳрида қад кўтарган “Боқий ва навқирон Бухоро” монумаенти ҳамда Бухоро давлат театри янги биносининг ишга туширилиши мамлакатимизда маънавий тараққиётга давлат миқёсида эътибор қаратилаётганлигининг ёрқин исботи ва олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (1998 йил, 22 май) асосан республикадаги мавжуд 37 та театрни бирлаштирадиган ягона тизим вужудга келди.

Республика ва халқаро миқёсда фестиваллар, тадбирлар, ижодий ва хотира кечалари, театрларнинг ташкил топган саналари тантанали равишда ўтказилди. Жумладан, анъанавий «Наврўз-99» республика театр санъати фестивали, Қатағон қурбонлари хотирасига бағашланган — «Андижон баҳори-99» театр санъати фестивали, Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда ўтган «Ниҳол» талаба-ёшлар театр студияларининг фестиваллари, Қарши шаҳрида 1999 йили ўтказилган «Ипак йўли — театр — саёҳат» анжумани, “Сени куйлаймиз замондош”, Фонд Форум томонидан ўтказилиниб келинаётган “Театр уз” каби тадбирлар республикаимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мустақиллик туфайли тарихий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, маънавий бойликларга интилиш — ўзбек театрининг ҳам муҳим вазифасига айланди. Саҳнамизда улуғ Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий образлари янгича талқин қилинди. Ал-Фарғоний. Ал-Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Феруз каби улуғ аجدодларимизга бағишланган асарлар кенг шуҳрат қозонди.

Республика театрлари ҳар йили 130 дан ошиқ турли мавзу ва жанрларда спектакллар саҳналаштирди. Булар асосан тарихий афсонавий мавзулардаги спектакллардир. 1998 йили халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳамда Алпомиш достонининг 1000 йил-лиги муносабати билан қатор саҳна асарлари яратилди. Булар Ҳамза номидаги театрда саҳналаштирилган драматург Ҳайитмат Расулнинг «Пири коинот», Фарғона вилояти Й. Шакаржонов номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Осмонга сизмаган муҳаббат» асарлари шулар жумласидан. Самарқанд вилояти Ҳ. Олимжон номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган Усмон Қўчқорнинг «Имом Бухорий», Андижон вилояти Й. Охунбобоев номидаги мусиқали

драма театрида сахналаштирилган «Алпомишнинг қайтиши», Хоразм вилояти Огаҳий номидаги мусикали драма театрида сахналаштирилган Эркин Самандаровнинг «Жалолиддин Мангуберди» каби асарлари республикаимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Тошкентда «Шарқ ва Ғарб», «Хумо» каби йирик халқаро театр фестиваллари ўтказилиши, ўзбек режиссураси, актёрлик санъатининг йирик ютуқлари, маҳорат ўрганиш, тажриба алмашилиш мактаби вазифасини ўтади. 1996 йил «Амир Темури» таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз» театр фестивалининг муваффақияти йирик халқаро аҳамиятга молик бўлган. Республикаимиз аҳолисининг тенг ярмини болалар ва ёшлар ташкил этиши боис театр соҳасида ҳам ёшлар учун кўп ишлар қилинди, улар учун махсус томошалар қўйилмоқда, кўғирчоқ театрлари барча вилоятларда ишлаб турибди. «Катталар театрлари болалар учун» фестивали шундай театрларда болаларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ишига хизмат қилади.

Халқаро «Хумо» фестивали марафони Тошкентда муваффақиятли ўтиб, Германия, Грузия, Россия ва бошқа мамлакатлар театр жамоаларининг ўзаро ижодий учрашуви масканига айланди. Ҳаваскорлик театрлари ҳам ривожланмоқса. Талабалар ҳаваскорлик театрларининг «Ниҳол» фестивали мана неча йилдирки, катта қизиқиш билан ўтказилмоқда.

XXI аср ўзбек театрининг тараққиётида алоҳида саҳифа очди. Қадимги кўнгилочар миллий томошалар ва Европадан кириб келган махсус театрлар уйғунлигида шаклланган ўзбек театри бу асрда ҳақиқий ўзбек миллий театрини вужудга келтирди. Ўзбекистон театрлари ўз ижодий-услубий изланишлари, турли асарлар талқинларига янгича ёндашувлари билан театр санъати услуби ва ифода воситаларининг такомиллашувига сабаб бўлмоқда.

Ушбу даврда театрларимиз фаолиятида кўпгина диққатга сазовор ўзгаришлар юз берди. Театрларнинг репертуар сиёсати, режиссура ва

актёрлик санъатидаги янгиликлар, спектаклларнинг прокати, томошабинлар билан алоқаларнинг янгича мазмун, шакллари ва ниҳоят, ушбу махсус театрларнинг халқаро санъат ва маданият майдонида орттирган тажрибалари эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган профессионал театр ва театр студиялари халқимиз маънавий дунёсини, тафаккурини бойитадиган сахна асарлари яратмоқдалар. Ушбу даргоҳларда минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Эндиликда нодавлат ва хусусий театрлар ҳам пайдо бўлди.

Театрларнинг халқаро миқёсда ютуқларга эришаётгани эътиборни тортади. Театрларимиз жамоалари АҚШ, Туркия, Покистон, Германия, Польша, Буюк Британия, Исроил каби хориж мамлакатларида ўтказилган турли театр фестивалларида қатнашиб, турли соврин ва мукофотларга сазовор бўлганлиги қувончлидир.

Ўзбек театр санъати айни кунларда бозор иқтисодиёти шароитига кириб бормоқда. Ўз-ўзини бошқариш ва айни дамда томошабинларга сидқидилдан хизмат қилиш йўлида тинмай изланмоқда. Ўзининг шонли тарихига ва албатта, эртасига эга ўзбек миллий театр санъати бугунги кунда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш йўлида тинмай меҳнат қилмоқда.

Музейлар фаолияти. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ музейлар, кўрикхоналарнинг ўрни ва ролини белгилаб беришга алоҳида аҳамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Шу билан бирга Самарқандда Давлат музей-кўрикхонаси, Бухорода Давлат музей-кўрикхонаси, Хивада «Ичон-қалъа» давлат музей-кўрикхоналари фаолият кўрсатмоқда. 1999 йилги маълумотларга кўра,

республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сақланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида барча музейларга 1655400 киши ташриф буюрди¹².

2.2. Маданият ва санъат муассасалари бошқарувига мутахассис кадрлар тайёрлаш

Маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори** , шубҳасиз, санъатимиз тарихида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

“Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги мазкур қарор ҳаётга изчил татбиқ этилгани боис бадиий ижодиётнинг илғор услублари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур қарорда мамлакатимизда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраш ва уни ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали кадрларни тайёрлаш,

¹² “Moziydan sado”, 2000, №1-2, 22-bet.

миллий театр ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, маданий-маънавий бойликни эъзозлаш ва қўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш асосий вазифа этиб белгиланган.

Қарорнинг 4-бандида ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ислохотлар талабидан келиб чиқиб “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишини Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритган ҳолда, ушбу йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлаш ҳамда “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” ва “Оммавий тадбирлар режиссураси” йўналишлари бўйича магистратура мутахассисликларини жорий этиш каби янги йўналишлар киритилди. Айни чоғда институтда Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш кафедраси ташкил этилди.

“Касбий-педагогик таълим” йўналишидаги таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, унинг таркибида “Халқ ижодиёти”, “Актёрлик санъати”, ва “Режиссёрлик” ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши, “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” ва Режиссёрлик(“Оммавий тадбирлар режиссёрлиги” йўналишлари бўйича магистрлар таёрлаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қарор ижроси доирасида институтда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилган илм даргоҳи эндиликда замонавий техник имкониятлар, санъатнинг турли йўналишларига хос техник воситалар билан таъминланган., ихтисослаштирилган ўқув хоналарига эга.

Бундай кенг имкониятлар бўлажак мутахассисларнинг касб маҳоратини пухта эгаллашга, уларни янги ижодий парвозлар сари илҳомлантиришга хизмат қилади, албатта. Замон талабларига тўла жавоб берадиган кўркем ўқув театри қурилиб, зарур техник воситалар билан жиҳозланди. Кино, телерадио санъати йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун юксак даражадаги техник имкониятларга эга Ўқув киностудияси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда институт кинопавильонидаги замонавий овоз ёзиш, дубляж, ёритиш ва монтаж ускуналари ҳамда уч ўлчамли видеокамералардан фойдаланиб, талабалар ўзларининг даслабки ижодий ишларини яратмоқдалар. Талаба ёшларнинг мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги таъминлаш, дунёқарашини бойитиш, ўқув ва бадиий адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ахборот-ресурс маркази янгидан қурилиб, тўлиқ жиҳозланди.

Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойиши асосида ташкил этилган Комиссия ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Давлат маданият институти ва Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти шартнома ва мажбуриятлар бўйича собиқ Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Қуйидаги йўналишлар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

- маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари,

инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

- маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

- ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

- ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

- маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

2012-2013 ўқув йилларида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига қабул квоталари бакалаврлар тайёрлаш бўйича – 297 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 96 нафар ҳамда тўлов-шартнома асосида – 201 нафар; магистрлар тайёрлаш бўйича – 40 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича – 11 нафар, тўлов-шартнома асосида – 29 нафар этиб белгиланди.

Тошкент Ахборот технологиялари университетига “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” йўналиши бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси юкланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 7 майда имзоланган ПҚ-1751-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент Ахборот технологиялари университетига 2012-2013 ўқув йилларида ушбу таълим йўналишида қабул квотаси бакалаврлар тайёрлаш учун – 60 нафар, магистрлар тайёрлаш учун эса – 6 нафар этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 9 апрелда қабул қилинган 237-ф-сонли фармойиши асосида тузилган Комиссияга Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институти негизида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

Янги ташкил этилаётган Институтга юксак малакали кадрларни танлов асосида, жумладан, Тошкент Давлат маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат институтининг раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибини қонунда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш орқали саралаб олишни таъминланди.

II боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ватанимизда анъанавий табиий-маданий маскан сифатида азалдан машҳур бўлиб келган. Ҳозир ҳам бу гўзал масканлар кўпчиликнинг сеvimли маданий дам оладиган жойлари ҳисобланади.

Эндиликда халқимизнинг маданий боғдорчилик анъаналари қайта тикланмоқда. Маданият ва истироҳат боғларида аجدодларимиз тажрибалари асосида гулзор, хиёбон, чорбоғ яратиш анъаналаридан фойдаланилмоқда. Республикамизда нафақат тарихда машҳур бўлган боғлар, масалан, Самарқанддаги Амир Темур боғлари тикланмоқда, шунингдек, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги миллий боғ каби машҳур янги боғлар барпо этилмоқда. Анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган янги боғлар Наманган, Фарғона, Хоразм ва бошқа вилоятларда ҳам вужудга келмоқда.

Республикаимиздаги 120 дан ортиқ боғларнинг 3/4 қисми, яъни 90 таси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг **“Юксак маънавият - енгилмас куч”** китобида шундай таъкидланган:

Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлаймиз, улар билан ҳамкорлик қиламиз.

Аҳолининг айниқса ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги **“2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 178-сонли қарори** ҳамда 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплекси ва низоми тасдиқланди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, Маданият ва спорт ишлари Бош бошқарма тасарруфида 34 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари мавжуд бўлиб, ушбу маданият ва аҳоли дам олиш марказларида 449 та ҳар ҳил йўналишлардаги, жумладан: рақс, вокал чолғу дасталари, мумтоз ва мақом кўшиқчилиги, миллий чолғу ижрочилиги, хор, тикиш-бичиш, тўқиш, ҳамда турли спорт йўналишидаги фаолият кўрсатаётган тўғаракларга 4567 нафардан зиёд ёши чекланмаган аҳоли қатнашиб келмоқда.

Марказ миллий анъанавий маданиятни сақлаб қолиш ва ўрганишда жамоатчилик эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш, бадий ижодни, бошқа ҳаваскорлик ижодий ташаббусларни ва аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, унинг дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этилади.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси объектларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий студиялар ва тўғаракларни, шунингдек бадиий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш ёъли билан бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш;

- фото ва амалий санъатнинг доимий ва вақтинчалик кўргазмаларини, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг мини-фестивалларини ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш, шунингдек уларни маънавий кўллаб-қувватлаш ва ижодкор ёшларнинг ютуқларини тарғиб қилиш;

- аҳолининг барча қатламлари томонидан талаб қилинган замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, Интернет-студиялар, электрон ресурслар, шу жумладан Интернет воситасида ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этиладиган кўп функцияли залларда қизиқарли ва мароқли томошалар, тўйлар ва бошқа тантанали тадбирлар, мунозара клублари, спортнинг стол турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этиш;

- «Мустақиллик», «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни», «Конституция куни», «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни», «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» миллий ва касб байрамларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа касб байрамларига бағишланган тадбирларни ўтказишга маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг янада кенг жалб этилишини таъминлаш.

Маданият ва санъат, маънавий-ахлоқий ривожланиш ҳамда миллий ўз ўзини англашнинг ўсиши соҳаларида Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни кенг ва тўлиқ очиб беришни таъминловчи кўриклар, кўргазмалар, фестиваллар ва танловларни аҳолининг турли қатламларини жалб этган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш.

Қўшимча пулли хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан маданият ва аҳоли дам олиш марказларида пулли тўгараклар, студиялар, ҳаваскорлик жамоалари концертларини ташкил этиш.

Маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори** , шубҳасиз, санъатимиз тарихида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

“Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги мазкур қарор ҳаётга изчил татбиқ этилгани боис бадиий ижодиётнинг илғор услублари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур қарорда мамлакатимизда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраш ва уни ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали кадрларни тайёрлаш, миллий театр ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, маданий-маънавий бойликни эъзозлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга

бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш асосий вазифа этиб белгиланган.

Қуйидаги йўналишлар Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

- маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш;

- маданий-маънавий бойликни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган миллий театр мактаби ва бадиий ижод маҳоратини ривожлантириш;

- ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

- ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш;

- маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

III БОБ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИГА УСЛУБИЙ РАХБАРЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Маданий-маърифий фаолиятни ташкил этишда услубий рахбарликнинг мазмуни.

Ҳозирги замон раҳбарининг муҳим жиҳатларидан бири фавқулодда вазиятларда ҳамда ишда камчиликларга йўл қўйилган ҳолларда барча масъулиятни зиммасига ола билиш хусусиятидир. Шу нарса эътиборга сазоворки, мамлакатнинг умумий тараққиёт даражаси қанча юқори бўлса, фаолият учун масъуллик ҳисси шунча юқори бўлади ва раҳбарнинг иш жавобгарлик даражаси ҳам, интизоми ҳам шунча юксак бўлади. Бошқарувнинг кичик масофаларига амал қилувчи ташкилотда эса, ходимларнинг иш тартиботлари, бажараётган ишлари ва мавқелари ўртасидаги ҳар қиллик аниқ белгиланган бўлиб, раҳбарнинг таъсир ва таъйиқидан кўра, ҳуқуқлар, қоидалар, устуворлик қилади, юқори лавозимдаги раҳбарлар қуйи лавозимдаги ходимлар учун илоҳийлаштирилмайди, бошқарувчи ва бўйсунувчилар ўртасида ўзига хос уйғунлик таркиб топган бўлади, оддий ходимлар, ўртасида эса, ўзаро ҳамкорлик алоқалари амал қилади.

Раҳбар масъулияти ва маънавияти кўп қиррали жараёндир. Раҳбар одамларга хизмат қилиши, ташкилотнинг манфаати учун хизмат қилиши керак, деганимизда, биринчи навбатда раҳбар халқнинг аҳволини нечоғлик яхши билиши, халқнинг фаровонлигини кўтариш учун чоралар излашини кўз олдимизга келтирамиз. Бу масаланинг барчасига аниқлик киритиш, уларни ҳозирги замон кўзи билан баҳолаш, бу борадаги энг долзарб муаммоларни аниқлаш зарур. Ҳар бир раҳбар ўзи бошчилик қилаётган жамоа ходимларининг турмушини яхши ўрганиши ривожланиш ва унга тўсиқ бўлаётган томонларни яхши тасаввур қилиши, тараққиётга йўл очувчи воситаларни ишга сола билиши, бу ишда қатият, сабр-бардош

тадбиркорлик кўрсата олиши даркор. Иккинчи ўринда мажлислар туради. Бу мажлисларларда оддий фуқоро иштирок этмайди, катта раҳбар ўзидан пастдагиларни тўплаб топшириқ беришади ва ниҳоят ахборотлар пастдан юқорига караб тўпланиб бориб, катта раҳбар базан бу ахборотларни синчиклаб ўрганиб чиқмасдан, баландпарвоз гаплар билан тўлдириб, яна юқорироққа жўнатади. Бундай раҳбарлик усули бошқарув тизими халқнинг ҳақиқий аҳволини реал акс эттирмайди. Вақт сарфланган, пул сарфланган, лекин натижа йўқ. Халқимизнинг миллий турмуш тарзига ,хусусан,унинг манавий асосларига чуқур разм солсак, айниқса қишлоқларда бўлсак, хонадонларга кирсак, оддий фуқоролар билан суҳбатлашсак, уларнинг кийиниши, юриш-туриши, уй жиҳозлари ,фикр мулоҳазаларини тингласак хуллас, бир сўз билан айтганда халқ ҳаётининг ички қатламларини ўргансак, қуйидаги хулосаларга келамиз: Бу масалаларнинг ички ва ташқи сабаблари бор, албатта. Ташқи, объектив сабаблар сифатида айтиш жоизки, қишлоқ инфратузилмаларини обод қилиш, яъни йўллар,кўприklar, ариқлар бинолар, иншоотларни ҳам самара берадиган , ҳам кайфиятга ижобий тасир қиладиган даражада ободонлаштириш ,аҳолини тоза ичимлик суви , газ билан янада яхшироқ тامينлаш, қишлоқларда маданият марказларини барпо қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар тўла бажарилишига жидди эътибор қаратилиши зарур. Муҳитнинг инсон руҳиятига, кайфиятига, дунёқарашига, умуман, яшаш тарзига тасири жуда катта эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Менежмент тизимининг энг муҳим талабларидан бири иш ва кайфият, иш ва ҳаёт тарзи бирлигидир. Ишнинг яхши кетиши, ривожланиш, мўл-кўллик фаровонликка эришиш, юксак технология асосида юқори ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, одамлар маънавиятининг юксалиши биринчи навбатда,

уларнинг саломатлигини таминлашга, кайфиятларини кўтаришга дўстона муносабатлар қарор топишига, уларнинг маданий савиялари билим ва тафаккури, тажрибалари бойиб боришига боғлиқдир. Менежмент тизимининг юқоридаги талаблари энг юксак даражада қарор топган мамлакат —Япониядир.

Япония раҳбарлик тизими бошқарув тизими зиг юқори даражада инсонийлашган мамлакатдир. Ҳар бир раҳбар ўзини жамоасининг бир қисми деб ҳисоблайди, одамларнинг ғам-ташвишлари билан яшайди. Одамлардаги маънавий етуклик даражасининг қандай ҳолатда эканлиги пастлигини бир қарашда билиб бўлмайди. Раҳбарнинг маданий савияси, маънавий ҳолати қанча юқори бўлса, у шунчалик ижтимоий ижодкорликка мойил бўлади. Ижтимоий ижодкор шахс эса бошқарувда кўпроқ корпоратив бошқарув услубларини жорий этади. Бошқаларга ғамхўр бўлади,

раҳбар ходимларнинг ички рухий ҳолати, орзу интилишлари, кайфиятлари, яшаш ва турмуш тарзи имкониятларидан хабардор бўлиб туриши, муаммо ва ички зиддиятларни оқилона ечиш йўлларини тавсия эта олиш салоҳияти билан ажралиб туради. Айни вақтда раҳбар ўз-ўзини бошқариши, ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараши, ўз-ўзини англаши, ўзига ва бошқаларга талабчан бўлиш тамойилларига ҳам жиддий муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз юқорида раҳбарликнинг илмий-назарий жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Шу ўринда савол туғилади. Маданият ва санъат соҳаси қандай бошқарилади ёки маданият ва санъат соҳасига раҳбарликнинг ўзига хослиги нимада? Бизнинг тадқиқот ишимиз услубий раҳбарлик бўлгани сабабли услуб сўзига изоҳ бериб ўтамыз. Услуб сўзига фаласафа қомусий луғатида шундай изоҳ берилган.

Мақсадга етишиш жараёнида бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усуллар тизими қўлланилади.

Мақсадга етишда қўлланиладиган усуллар тизимини услуб (йўл), дейилади. Мақсадга етишдаги қўлланиладиган усуллар тизими турли фаолият соҳаларида турлича атамалар билан номланади. Таълим-тарбия жараёнидаги мақсадга етишдаги усуллар тизими – “услуб” ёки “методика” саноат ишлаб чиқаришида-“технология”, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида– “агротехнология”, ўсимликшуносликда “биотехнология”, тасаввуфида– “тариқат”, яшаш йўлини ифода этганда “шариат”, мусиқада – “йўл” деган тушунчалар билан ифодаланади.

Мақсадга етишда учрайдиган тўсиқларни бартараф қилиш усулларини маълум бир услубда қўлланиш жараёнида, кишининг ҳар бир ҳаракати мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Яъни, мақсад кўрсаткичлари унга қай йўналишда ҳаракат қилишни белгилаб беради. Шу билан биргаликда, ҳаракат жараёнида бизнинг ихтиёримиздан ташқари ишлайдиган қонуниятларга ҳам амал қилиб ҳаракат ижро қилиниши шарт. Акс ҳолда кўзланган мақсадга етиб бўлмайди. Мақсадга етиш жараёнида мақсад кўрсаткичлари билан шу ҳаракатнинг тамойиллари, дейилади.

Бошқарув фаолияти ўз моҳияти ва тавсифига кўра жамият ҳаётида ақлий тартибга солиш аҳамиятига эгадир. Инсоният фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий ютуқларини қанчалик кўпайтириб борса, бошқарув фаолиятининг шунчалик илмга бўлган талаби тўхтовсиз ошиб бориши содир бўлади. Бошқарувнинг моҳияти – объектив ва субъектив шароитларни қўйилган мақсадга эришишга имкон берадиган нисбатан ва муносабатда бўлишини таъминлашдан иборат.

Бошқарув фаолиятидаги муваффақият раҳбарнинг ижрочилар меҳнатига бўлган муносабатдан қанчалик манфаатдорликларини англата билишлик қобилиятига сезиларли даражада боғлиқдир. Мазкур ҳолда меҳнатни

рағбатлантириш усуллари мужассама ижтимоий-иқтисодий, этик ва руҳий педагогик шароитлар онгида уларнинг меҳнатга ижобий муносабатда бўлишларини шакллантириш мақсадида юқори натижаларга эришишдан иборат.

Замонавий раҳбарнинг муҳим бошқарув мақсади ўз ходимларини ахлоқий жиҳатдан юксак даражага кўтариш, уларни маънавий жиҳатдан соғлом жамоага айлантиришдан иборатдир.

Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий муваффақиятлар тобора оширилиб боришига кўра, бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар. Бундай илмий ёндашиш эҳтиёжини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, бошқарувнинг нодир хусусияти: бирор йўқдан муайян ниманидир қилиш, тарқоқ унсурлардан тизим тузиш, бунда келишув ва тартибга солиш унга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Иккинчидан, раҳбар тассаруфида бўлган ёки у жавобгар ҳисобланган қадриятлар кўламининг жадал ошиши.

Учинчидан, инсонлар куч ғайратига асосланган бошқарувнинг яратувчилик самараси раҳбариятдан ҳар томонлама маълумотлилик, ўз касбининг устаси бўлишлик ва тизимли ёндашишни талаб қилади.

Республика маданий-маърифий муассасалари (маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, кутубхоналар, музейлар, истироҳат боғлари кабилар) аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондиришда ўзига хос хусусиятлар

асосида турли усуллар, шакллар ва воситалар ёрдамида фаолият олиб борадилар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказ муассасалари, маҳаллий жойларда аҳолининг бўш вақтини самарали ўтказиш, маданий фаолият билан шуғулланиш, ижодкорликни ошириш, билим савиясини бойитиш ва маънавий камол топишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон маданий-маърифий муассасаларига илмий-услубий ёрдам бериш вазифасини «Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази» бажармоқда.

Бу марказ Республика даражасидаги йирик маданий-оммавий тадбирлар, кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказмоқда. Мазкур марказ бошчилигида маданий-маърифий муассасалар муаммоларига оид илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, илғор тажриба тарғиботлари, ижтимоий тадқиқотлар, илмий экспедициялар ташкил этилмоқда ва бу соҳанинг равнақига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мустақиллик шароитида бу тизим вакиллари жойларда собиқ шўролар даврида тақиқланган халқ анъаналари, миллий маросимлар, байрамлар ва халқ ижоди турларини тиклаш ва тарғиб қилишга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Шунингдек, улар замонавий ҳаваскорлик санъати намуналарини равнақ топишига фаол ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистон маданий-маърифий муассасалари кейинги даврда болалар ижодига алоҳида эътибор бермоқда. Республика маданият муассасаларида 6 мингга яқин болалар жамоалари ишлаб, уларда 200 мингга яқин ёш авлод вакиллари қатнашишмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида Республика Болалар бадиий ижодиёти маркази мавжуд. Марказ минтақада яшаб ижод қилаётган қобилиятли болаларни излаб топиш, улар ижодини тарғиб

қилиш, тасвирий ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари бўйича касб-хунар ўргатиш билан шуғулланади.

Маданият ва истироҳат боғлари Ватанимизда анъанавий табиий-маданий масканлар сифатида азалдан машҳур бўлиб келган. Ҳозир ҳам бу гўзал масканлар кўпчиликнинг севимли маданий дам оладиган жойлари ҳисобланади.

Ахборот-ресурс марказлари аҳолини янгиликлар билан таништиришга, уларнинг билимларини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Кутубхоналар - Ватанимизда ёзма ёдгорликлар сақланадиган жой сифатида қадим замонлардан пайдо бўлиб, ҳозирги кунда билимга чанқоқ аҳоли қатламларини адабиётлар билан таъминловчи маданий, илмий-маърифий муассасалар сифатида хизмат қилмоқдалар. Кутубхоналар энг эзгу хизмат - оммага китоблар ёрдамида билим тарқатиш билан шуғулланишмоқда.

Уларнинг асосий вазифалари адабиётларни йиғиш, сақлаш ва тарғиб қилиш.

Музейлар тарихий, табиий, моддий, маънавий ёдгорликларни махсус эътибор бериб тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш илмий-маърифий муассасалари сифатида мустақиллик шароитида муносиб раванқ топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998-йил, 12-январь) Фармони Ўзбекистонда музейлар фаолияти ва тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг кишиларни ахлоқий камолотидаги ўрнини ошириш, тарихий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, музейлардан миллий ғурур, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш йўлида фойдаланиш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби ишларни амалга оширишга замин бўлмоқда.

Республикаимизда ҳозир 50 га яқин музейлар фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик даврида Тошкентда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар даври давлат музейи, Андижонда «Бобур» ёдгорлик комплекси, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Челак туманида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Кувада «Шаҳристон» тарихий-меъморил мажмуаси кабилар яратилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона давлат музей-кўриқхоналари таъмирланди. Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейлари бойитилмоқда. Бундай ишлар натижасида халқимизнинг тарихий хотираси тикланмоқда, миллатимиз ўзлигини англамоқда.

Маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг ҳозирги шакллари ва мазмунини истиқлол йўлдан одимлаётган Ўзбекистон халқи маънавий ҳаёти, тарихий- маданий тажрибаси, турмуш тарзига, халқ маънавий муҳитига янада мувофиқлаштириш, мавжуд имкониятлардан ва жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш маънавиятимизни янада раванқ топтириш йўлидаги долзарб вазифалардандир.

3.1. Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғараклар ишини ташкил этишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш, шахс сифатида шакллантиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат мактабдан ташқари таълим муассасалар узлуксиз таълимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ташкил этилувчи турли йўналишлардаги ҳаваскорлик ижодиёти тўғаракларининг ҳам асосий мақсади инсонни тўлақонли шахс сифатида ривожлантиришдир. Ўзбекистонда шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг ички имкониятлари ва қобилиятларини тўла рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда.

Мамлакатимиздаги ҳуқуқий асоси қандай бўлишидан қатъий назар барча тўғараклар баркамол шахс тарбиясига йўналтирилганлигини эътиборга олсак, мазкур тўғаракларга аҳолини, хусусан, ёшларни жалб этишнинг ўзига хослигини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда тўғараклар ҳолати ва уларга одамларни жалб этиш ишлари давлатимизнинг тўлақонли шахсни ривожлантиришдан иборат кенг кўламли фаолиятида ҳали талаб даражасига чиқа олмаган жиҳатлардан ҳисобланиб келмоқда.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда таълим муассасалар, оила билан ҳамкорлик фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш баркамол шахсни тарбиялашда ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Шу сабабли сўнгги йилларда давлатимиз томонидан мактабдан ташқари таълим тизимида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда оила билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар икки таълим муассасаси фаолиятини ўрганиш, таҳлил

этиш улар ўртасидаги ҳамкорликни қуйидаги йўналишлар бўйича йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатди:

- Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни турли хилдаги тўғаракларга жалб этиш;

- Болалар ва ўсмирлардаги мавжуд қобилиятлар ва имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш чора-тадбирларини белгилаш, уларни ушбу тадбирларига кенгроқ жалб этиш;

- Оилалар билан биргаликда ҳар иккала таълим муассасида турли мавзудаги маънавий – маърифий тадбирларни уюштириш.

Таълим муассасаларида таълим олаётган болалар ва ўсмирлар ўртасида суҳбат, давра суҳбати, учрашув ҳамда кўргазмаларни ташкил этиш асосида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, улар қошида ташкил этилган тўғараклар, тўғарак аъзолари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар, болалар ва ўсмирларнинг турли танлов ва кўрикларда иштирок этиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар бериб бориш уларда мавжуд бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилишига туртки беради.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида таълим олаётган болалар ва ўсмирларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, тўғарак аъзоларининг иштирокида байрамлар, концерт ва мусобақаларнинг уюштирилиши ҳам болалар ва ўсмирларнинг ушбу муассасалар фаолиятига бўлган қизиқишларини янада кучайтиради.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг ички имкониятлари ва қобилиятларини тўла рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётган мустақиллик шароитида Ўзбекистонда шахс индивидуаллиги бирламчи аҳамият касб эта бошлади. Бинобарин, шахс омили бирламчи экан, унинг тарбияси ва ижтимоийлашувида оиланинг тарбиявий кучидан самарали фойдаланиш тадбирларини белгилаш зарур.

Бинобарин, шахс—оила — жамият ўзаро таъсир моделининг ягона мақсади комил инсонни тарбиялашга йўналтиришдир. Шахс ижтимоийлашувини таъминлаш жараёнида оиланинг иқтисодий (ишлаб чиқариш) имкониятларини ҳам эътиборга олиш зарур.

Шахс ижтимоийлашуви бевосита оилада кечади. Бошқа ижтимоий институтлар доирасида эса мазкур ижтимоийлашув тобора мустақамланиб, мураккаб хусусият касб этиб боради. Бироқ, шунга эътибор бериш зарурки, жамият оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериши, уларни қўллаб-қувватлаши лозим. Айни вақтда кўпгина ривожланган хорижий мамлакатларнинг (Франция, Швейцария, Австрия, Германия ва бошқалар) таълим тажрибасида ижтимоий хизмат доирасида “бўш вақт ташкилотчиси” лавозими жорий этилган. Бўш вақт ташкилотчиси бўлган мутахассис “аниматор” деб номланиб, унинг вазифаси оилаларга ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдам кўрсатишдан иборат. Бўш вақт ташкилотчилари гуруҳини асосан мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолият юритувчи педагоглар ташкил этади.

“Болалар ва ўсмирларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси” да мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ва оила имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгаллигига алоҳида урғу берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда оила зиммасидаги вазифалар сирасида қуйидагиларни келтириш мумкин.

- Ота-оналар фарзандларига чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;

- Бозор муносабатларига мос бўлган касб-ҳунар ўргатиш, иқтисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;

- Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- Болаларнинг бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб, унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш;
- Ота-оналар фарзандларида маълум бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун шароит яратиш;
- Ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оилада масъулиятли бўлиш ва ҳоказолар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг оила билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболли режаларини ишлаб чиқиш тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга, чунки машғулотларни эркин танлаш асосида бола шахсини эркин ижодий ривожлантириш мактабдан ташқари таълим муассасаларининг хусусияти саналади. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим тизимини педагоглари ота-оналар томонидан берилган маълумотлар асосида ўқувчиларнинг физиологик, психологик ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрлик қиладилар.

Ота-оналар томонидан фарзандларини маданият ва аҳоли дам олиш марказларида таълим олиш учун йўналтиришда қуйидаги ҳаракатлар бажарилади:

Ота-оналар болалар томонидан ижодий фаолиятининг ташкил этилиши учун зарур бўлган материал ва асбоблар топиш ҳамда сотиб олишга мойиллик билдирадилар, натижада оилада муайян касб ёки ҳунар йўналиши бўйича қизиқиш доираси кенгаяди;

Ота-оналар фарзандлари иштирок этаётган турли йўналишдаги кўргазма, кўрик ҳамда танловларда бевосита қатнашиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш болалар ва ўсмирлар ижодий ютуқларни қўлга киритишга бўлган қизиқишни тарбиялайди.

Фарзанд улғайиши билан бирга ота-оналарнинг уларни бўш вақтдан оқилона фойдаланишга ўргатиш, у мансуб бўлган микро муҳитнинг маънавий тавсифини билишга интилишга оид ташвишлари сони кўпаяди. Ижодий фаолият болаларни бир-бирларига яқинлаштиради, ўзаро фикр алмашишга ундайди, биргаликда, ҳамкорлик асосида меҳнат қилиш, бир томондан, улардан ижодий сифатларнинг янада бойишига ёрдам берса, иккинчи томондан, улар учун ижтимоий эҳтиёж саналган – мулоқот жараёни юзага келади ва унинг узлуксизлиги, давомийлиги таъминланади.

Тўғарак аъзолари билан ташкил этилган суҳбат, мунозара ва савол натижаларидан англаш мумкинки, аксарият болалар, шу жумладан, ўсмирлар айнан мактабдан ташқари таълим муассасаларидагина ўзларига дўст топганлар. Табиийки, бу ҳолат ота-оналарни қониқтиради ҳамда улардан мактабдан ташқари таълимга бўлган ҳайрихоҳлик ҳисси янада ортади.

Бугунги кунда мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамкорлигининг янги моделлари ишлаб чиқилмоқда. Масалан: оилавий туристлик-ўлкашунослик дастурлари; ота-оналар учун мўлжалланган ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий-педагогик машғулотлар тизими (университетлар, лекторийлар, практикумлар ва бошқалар); кўп болали оилаларнинг анънавий учрашувлари; ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар тарбияланаётган оилалар учун ҳайрия тадбирлари ва концертлар; ота-онасиз қолган болаларнинг васийлар билан учрашувлари; оилавий клублар ва устахоналар.

Ота-оналарни маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолияти мазмунини ёритувчи концепция, қўшимча таълимнинг мақсади ва вазифалари, ўқув машғулотларининг моҳияти тўғрисидаги маълумотлардан хабардор этиш, ота-оналар ўртасида педагогик маҳоратни тарғиб қилиш уларни методик билимлар билан қуроллантириш ўзаро ҳамкорликнинг таркибий қисми саналади.

Оила ва маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бир-бирларини тўлдиради, турли ёшдаги болаларнинг таълим олиши ва ижодий ривожланиши ва маънавий бойиб боришлари учун имконият яратади.

Соғлом психологик муҳит мавжуд бўлган оиладаги каби ўқувчилар маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ҳам ўзларининг ҳимояланганликларини ҳис қиладилар. Бинобарин, таълимнинг мазкур тизимда ҳар қандай зўравонлик, таҳдид ва танбеҳларга асосланувчи авторитар услуб инкор этилади.

Педагог бола шахсининг шаклланиши ва тараққий этишига жиддий таъсир кўрсатувчи обрўли шахс бўла олиши зарур. Зеро, унинг фаолияти билан боғлиқ айрим хусусиятлар болаларни маданият ва аҳоли дам олиш марказларига фаол жалб этишга ёрдам беради. Бу ўринда педагог шахси ва касбий малакасига хос бўлган бир қатор хусусиятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жумладан:

- бола мактабдан ташқари таълим тизимида ўзи учун қизиқарли фаолият йўналишинигина эмас, шу билан бирга педагогни ҳам танлаш имкониятига эга;
- сўз юритилаётган тизим педагогнинг мутахассислик йўналишида юқори даражада маҳоратли бўлиши, унинг учун эталон саналади;
- маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фаолият бошқа таълим муассасаларидан фарқли ташкил этилади, яъни устоз-шогирд ўртасидаги муносабат норасмийлик, ошкоралик ва самимийликка асосланади.

Ота-оналар ижтимоий –педагогик йўналишда педагог билан ўзаро ҳамкор бўла олсалар, унинг фаолияти янада самарали бўлади.

Бинобарин, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ва уларнинг фаолият йўналишлари тўғрисидаги ахборотлар ота-оналарни фаоллаштиради. Уларнинг фарзандларидаги қизиқиш ва хоҳиш-истаклардан хабардор бўлишларига имкон беради. Бу ҳолатлар оиланинг

тарбиявий таъсирини янада оширади, натижада уларда мазкур таълим муассасасига бўлган ижобий муносабат шаклланади.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари педагоглари иш тажрибасининг кўрсатишича, уларнинг ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- педагог ва ота-оналарнинг ўзаро бевосита мулоқоти;
- педагогнинг ота-оналар жамоаси билан ота-оналар фаоллари орқали билвосита ўзаро таъсири.

Мактабдан ташқари таълим амалиётида турли хил ижтимоий-педагогик вазиятларда ўзаро ҳамкорликнинг бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи воситаларидан фойдаланилади. Ота-оналар педагоглар, тўғарак раҳбарларига мурожаат этиб, фарзандларининг муаммоларини ҳал этишда норасмий шахсий муносабатни кутадилар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари педагогининг ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлиги уларни таълим жараёнига энг юқори даражада жалб этишга, уларда субъектив фаолликни шакиллантиришга хизмат қилади. Бу ҳолат эса аксарият ота-оналарда бола ҳаётининг мўътадил кечишида уларни ёшликданоқ муайян касб ёки ҳунарга ўргатиш, бу йўлда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги тушунчаларини ҳосил қилади. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари билан оила (ота-оналар) ўртасидаги ҳамкорлик доирасида бир қатор муҳим вазифалар ҳал этилади. Жумладан, болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолиятлари уларнинг ҳамкорликда ривожланиши ва маънавий бойиб боришлари учун имконият яратади. Бўш вақтни мазмунли ўтказишнинг оилавий шакилларини такомиллаштиради. Ўрганилган тадқиқотлар натижаларига кўра, тўғараклар иштирокчилари асосан ота-оналарининг таъсири (38%), яқин танишлари (дўстлари, дугоналари) даъватлари (32%), ўз ихтиёри (24%),

ўқитувчилари тавсияси (4%) бошқа сабаблар асосида (2%) жалб этилганлар.

Ушбу тадқиқотдан ҳам кўриниб турибдики, ёшларнинг тўғаракларга жалб этилишида ота-оналарнинг таъсири катта эканлигини инобатга олсак, маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғарак ишини ташкил этишда ота-оналар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта бу жараёнида оиланинг иқтисодий (ишлаб чиқариш) имкониятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, агар педагог ўз олдида ота-оналар имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадини қўймас экан, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ва оилалар ўртасидаги ижтимоий шерикчиликка асосланувчи ҳамкорлик тўлақарор топмайди. Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, уларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оммавий спортга жалб қилиш, турли зарарли иллатлар таъсиридан уларни асраш борасида мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг кўламидаги ишлар амалага оширилмоқда. “Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари”даги студия ва тўғаракларга ўқувчиларни жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар, маҳалла қўмиталари билан учрашувлар ташкил этиб бориш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларида тўғаракларга қатнашишларига қулай шароит яратиш билан улар қошида тўғаракларни жойлаштириш ҳақида шартномалар тузиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларни эркин танлаш асосида бола шахсини эркин ижодий ривожлантириш маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг хусусияти саналади. Шунингдек, маданият ва аҳоли дам олиш марказларини педагоглари ота-оналар томонидан берилган маълумотлар асосида ўқувчиларнинг физиологик, психологик ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрлик қиладилар.

Тўғарак аъзолари билан суҳбат ўтказилганда, аксарият болалар, шу жумладан, ўсмирлар айнан маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ўзларига яқин дўст топганлигини маълум қилган. Табиийки, бу ҳолат ота-оналарни қониқтиради ҳамда уларда тўғаракларга бўлган ҳайрихоҳлик хиссини ортишига олиб келади.

Маданият ва аҳоли дам олиш маркази педагоги бола шахсининг шаклланиши ва тараққий этишига жиддий таъсир кўрсатувчи обрўли шахс бўла олиши зарур. Зеро, унинг фаолияти билан боғлиқ айрим хусусиятлар болаларни маданият ва аҳоли дам олиш марказларига фаол жалб этишга ёрдам беради. Бу ўринда педагог шахси ва касбий малакасига хос бўлган бир қатор хусусиятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жумладан:

- бола маданият ва аҳоли дам олиш марказида ўзи учун қизиқарли фаолият йўналишинигина эмас, шу билан бирга педагогни ҳам танлаш имкониятига эга;

- маданият ва аҳоли дам олиш марказининг педагоги мутахассислик йўналишида юқори даражада маҳоратли бўлиши;

- маданият ва аҳоли дам олиш марказларидаги фаолият бошқа таълим муассасаларидан фарқли ташкил этилади, яъни устоз-шогирд ўртасидаги муносабат норасмийлик, ошкоралик ва самимийликка асосланади.

Ота-оналар ижтимоий–педагогик йўналишда педагог билан ўзаро ҳамкор бўла олсалар, унинг фаолияти янада самарали бўлади.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ва уларнинг фаолият йўналишлари тўғрисидаги ахборотлар ота-оналарни фаоллаштиради. Уларнинг фарзандларидаги қизиқиш ва ҳоҳиш-истаклардан хабардор бўлишларига имкон беради. Бу ҳолатлар оиланинг тарбиявий таъсирини янада оширади, натижада уларда мазкур маданият муассасасига бўлган ижобий муносабат шаклланади. Замонавий барпо этилган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида Номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини

тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўғараклар ташкил этилиши режалаштирилган. Жумладан:

- Мумтоз қўшиқ ва мақом ижрочилиги тўғараклари ва жамоалари;
- Миллий чолғу ижрочилиги тўғараклари ва жамоалари;
- Карнай-сурнай жамоалари ва тўғараклари;
- Наққошлик тўғарак студиялари;
- Фольклор-этнографик жамоалари;
- Миллий ракс тўғараклари;
- Қўғирчоқ ва ҳаваскорлик театр студиялари;
- Бадиий сўз санъати (сухандонлик) тўғараклари;
- Миллий хунармандчилик (ёғоч ўймакорлиги, дурадгорчилик, кулолчилик, минатюра санъати, ҳайкалтаръёшлик ва ҳ.к.) тўғараклари.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юртимизда ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этилиши борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш, уларни ёт, бузғунчи ғоялардан сақлаш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, баркамол инсон сифатида вояга етказиш йўлида қилинаётган саъйи ҳаракатларининг натижасидир.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғараклар ишини ташкил этиш бўйича таклифлар:

– Тўғарак ташкил этилган жойнинг географик жойлашуви, яъни яқинлиги, транспорт жиҳатдан қулай бўлиши;

– Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг биноси ва тўғарак хонасининг кўриниши замон талаб даражасида таъмирланиши;

– Тўғарак ишини самарали олиб бориш учун зарур жиҳозлар, техник воситалар билан таъминланиши;

– Маданият ва аҳоли дам олиш марказларидаги ташкил этилаётган ҳаваскорлик тўғаракларга тўғарак раҳбари этиб республикада хизмат

кўрсатган артистлар, эстрада хонандалари, ниҳол мукофоти совриндорлари каби таниқли ва обрўли шахсларни жалб қилиш;

– Тўғарак аъзолари иштирокида ҳар чоракда ҳудуддаги таълим муассасаларда тўғарак аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси, ижодий дастурлар, кўрик танловлар ташкил этиб бориш;

– тўғарак аъзолари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар, болалар ва ўсмирларнинг турли танлов ва кўрикларда иштирок этиш имкониятлари мавжудлиги тўғрисида давра суҳбатлари, учрашувлар орқали батафсил маълумотлар бериб бориш.

III боб бўйича хулосалар

Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий муваффақиятлар тобора оширилиб боришига кўра, бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар. Бундай илмий ёндашиш эҳтиёжини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, бошқарувнинг нодир хусусияти: бирор йўқдан муайян ниманидир қилиш, тарқоқ унсурлардан тизим тузиш, бунда келишув ва тартибга солиш унга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Иккинчидан, раҳбар тассаруфида бўлган ёки у жавобгар ҳисобланган кадриятлар кўламининг жадал ошиши.

Учинчидан, инсонлар куч ғайратига асосланган бошқарувнинг яратувчилик самараси раҳбариятдан ҳар томонлама маълумотлилик, ўз касбининг устаси бўлишлик ва тизимли ёндашишни талаб қилади.

Республика маданий-маърифий муассасалари (маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, кутубхоналар, музейлар, истироҳат боғлари кабилар) аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондиришда ўзига хос хусусиятлар асосида турли усуллар, шакллар ва воситалар ёрдамида фаолият олиб борадилар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказ муассасалари, маҳаллий жойларда аҳолининг бўш вақтини самарали ўтказиш, маданий фаолият билан шуғулланиш, ижодкорликни ошириш, билим савиясини бойитиш ва маънавий камол топишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон маданий-маърифий муассасаларига илмий-услубий ёрдам бериш вазифасини «Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази» бажармоқда.

Мамлакатимиздаги ҳуқуқий асоси қандай бўлишидан қатъий назар барча тўғараклар баркамол шахс тарбиясига йўналтирилганлигини эътиборга олсак, мазкур тўғаракларга аҳолини, хусусан, ёшларни жалб этишнинг ўзига хослигини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда тўғараклар ҳолати ва уларга одамларни жалб этиш ишлари давлатимизнинг тўлақонли шахсни ривожлантиришдан иборат кенг кўламли фаолиятида ҳали талаб даражасига чиқа олмаган жиҳатлардан ҳисобланиб келмоқда.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда таълим муассасалар, оила билан ҳамкорлик фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш баркамол шахсни тарбиялашда ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Шу сабабли сўнгги йилларда давлатимиз томонидан мактабдан ташқари таълим тизимида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда оила билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар икки таълим муассасаси фаолиятини ўрганиш, таҳлил этиш улар ўртасидаги ҳамкорликни қуйидаги йўналишлар бўйича йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатди:

- Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни турли хилдаги тўғаракларга жалб этиш;
- Болалар ва ўсмирлардаги мавжуд қобилиятлар ва имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш чора-тадбирларини белгилаш, уларни ушбу тадбирларига кенгроқ жалб этиш;
- Оилалар билан биргаликда ҳар иккала таълим муассасида турли мавзудаги маънавий – маърифий тадбирларни уюштириш.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб борилмоқда.

Хаётимизда маънавий камолотни ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда-аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарбиқ этиш учун кенг ёъллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошлади.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият-инсон учун мавжудлик белгичи. Маънавий бойлик у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас. Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачилик даврида йўқотилган, тепаланган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни ўйғотди. Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бугун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди. Айниқса, театр санъатининг ривожини гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий

мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши танижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусикаси кенг қўламли маънавият кўгусидир. Шурулар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлиги айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг ички имкониятлари ва қобилиятларини тўла рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётган мустақиллик шароитида Ўзбекистонда шахс индивидуаллиги бирламчи аҳамият касб эта бошлади. Бинобарин, шахс омили бирламчи экан, унинг тарбияси ва ижтимоийлашувида оиланинг тарбиявий кучидан самарали фойдаланиш тадбирларини белгилаш зарур.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг оила билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболли режаларини ишлаб чиқиш тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга, чунки машғулотларни эркин танлаш асосида бола шахсини эркин ижодий ривожлантириш мактабдан ташқари таълим муассасаларининг хусусияти саналади. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим тизимини педагоглари ота-оналар томонидан берилган маълумотлар асосида ўқувчиларнинг физиологик, психологик ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрлик қиладилар. “Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари”даги студия ва тўгаракларга ўқувчиларни жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар, маҳалла қўмиталари билан учрашувлар ташкил этиб бориш,

шунингдек, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларида тўғаракларга катнашишларига қулай шароит яратиш билан улар қошида тўғаракларни жойлаштириш ҳақида шартномалар тузиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий барпо этилган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида Номоддий маданий меросларимиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тўғараклар ташкил этилган. Жумладан:

- Мумтоз қўшиқ ва мақом ижрочилиги тўғараклари ва жамоалари;
- Миллий чолғу ижрочилиги тўғараклари ва жамоалари;
- Карнай-сурнай жамоалари ва тўғараклари;
- Наққошлик тўғарак студиялари;
- Фольклор-этнографик жамоалари;
- Миллий рақс тўғараклари;
- Қўғирчоқ ва ҳаваскорлик театр студиялари;
- Бадиий сўз санъати (сухандонлик) тўғараклари;
- Миллий хунармандчилик (ёғоч ўймакорлиги, дурадгорчилик, кулолчилик, минатюра санъати, ҳайкалтарёошлик ва ҳ.к.) тўғараклари.

Илмий изланишларимиз ҳамда тўпланган тажриба ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омиллари ва имкониятлари ҳақида сўз борар экан, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш фақатгина байрамларни уюштириш ва ўтказишда кўзга ташланмоқда. Масалан, Воҳа, Хоразмда уюштирилаётган байрам ва тадбирларда бахшичилик, водийда эса, аскиячилик, Бухоро, Самарқанд ҳудудларида ўзига хос фольклорь ашулалари, Тошкент вилоятида ўлан кабилар байрам сценарийсидан ўрин олади. Бу ҳолат маданият муассасалари фаолиятида минтақавийлик омиллари кўзга ташланишини кўрсатади. Лекин, маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғараклар ишини ташкил этишда эса бошқача

ёндашув мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистондан ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган санъат турлари (аския, катта ашула,) республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилишига ҳаракат қилинмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маданият ишларини бошқариш соҳасини умуман тизимни тўлақонли фаолият олиб боришини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар бермоқчимиз.

Биринчидан, маданият ва санъат соҳасини бошқариш бўйича замонавий кадрлар тайёрлашда энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш.

Иккинчидан, Маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб бораётган раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашишларини хорижий давлатларда ташкил этиш.

Учинчидан, Маданият ва санъат соҳаси муаммоларига бағишланган ҳалқаро конференция ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ҳалқаро экспертларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш.

Тўртинчидан, Маданият ва санъат соҳасига кадрлар тайёрлаётган олий таълим муассасалари ўқув режасига ҳалқаро тажрибаларни ўрганишга қаратилган предметларни киритиш.

ИЛОВАЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 мартдаги ПҚ-1920-сон қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг 65-бандини бажариш ҳамда аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги 178-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда аҳолига маданий хизмат кўрсатишда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини кенг тарғиб қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида **БУЮРАМАН:**

1. Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг намунавий устави 1-иловага, ходимларнинг лавозим йўриқномаси 2-иловага, "Халқ" ва "Намунали" ҳаваскорлик жамоалари низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази (Қ.Тўқсонов) ўн кун муддатда мазкур ҳужжатларни тегишли тартибда кўпайтирсин ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаларига етказсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари ўрнатилган тартибда:

намунавий устав асосида ҳар бир маданият ва аҳоли дам олиш маркази уставини ишлаб чиқиб, давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этсин;

ушбу буйруқ билан тасдиқланган намунавий устав ва ходимлар лавозим йўриқномалари, "Халқ" ва "Намунали" ҳаваскорлик жамоалари низомини марказлар иш фаолиятига жорий этишни таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Мусаев зиммасига юклансин.

Вазир

М.Ходжиматов

Тошкент ш.
2013 йил "28" ноябрь
№ 1013



Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг намунавий

У С Т А В И

И. Умумий қоидалар

1. Маданият ва аҳоли дам олиш маркази (бундан буён матнда “Марказ” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ташкил этилган.

2. Аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда маданий-маърифий ва кўнгилочар хусусиятга эга бўлган хилма-хил хизматлар кўрсатиш, ҳаваскорлик, бадиий ижод ва амалий санъат билан шуғулланувчилар учун шарт-шароитлар яратиш Марказнинг асосий фаолияти ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Маданият ва спорт ишлари вазирининг буйруқлари ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

4. Марказ давлат муассасаси шаклидаги, турли йўналишлар, шакллар, турлар ва жанрлардаги маданий-ижодий, маърифий ва дам олиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни таъминлайдиган юридик шахс ҳисобланади.

5. Марказ мустақил балансига, банк муассасаларида жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг герби тасвири туширилган ҳамда номи кўрсатилган думалоқ муҳри ва тўрт бурчакли штампига, шунингдек иш қоғозларига эга бўлади.

6. Марказнинг юридик тўлиқ номи:

Ўзбек тилида - Маданият ва аҳоли дам олиш маркази.

Рус тилида – Центр культуры и досуга населения.

7. Марказнинг жойлашиши (почта манзили): 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, ----- тумани ----- кўчаси, ---уй.

8. Мазкур Марказ – хизмат кўрсатадиган аҳоли сони 40 минг нафардан ортиқ бўлганлиги ва 400 ўриндиқли томоша залига эга бўлганлиги ҳамда _____ шаҳри (тумани)нинг маъмурий марказида жойлашганлиги сабабли И типда фаолият олиб боради (ушбу банд марказнинг тегишли типига қараб ўзгартирилади).

II. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Марказ миллий анъанавий маданиятни сақлаб қолиш ва ўрганишда жамоатчилик эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш, бадиий ижодни, бошқа ҳаваскорлик ижодий ташаббусларни ва аҳолининг ижтимоий-маданий

фаоллигини қўллаб-қувватлаш, унинг дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.

10. Марказнинг асосий вазифалари:

Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси объектлари ва намуналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий студиялар ва тўғаракларни, шунингдек бадиий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш йўли билан бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш;

аҳолининг барча қатламлари томонидан талаб қилинган замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, интернет-студиялар, электрон ресурслар, шу жумладан Интернет воситасида ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этиладиган кўп функцияли залларда қизиқарли ва мароқли томошалар, тўйлар ва бошқа тантанали тадбирлар, мунозара клублари, спортнинг стол турлари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этиш;

"Ўзбекистон ифтихори" ва "Юксак маънавият – енгилмас куч" шиорлари остида маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирларни, миллий адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари, спортчилар билан аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган учрашувларни тайёрлаш ва ўтказиш, ушбу фаолиятга профессионал ижодий гуруҳларни ва санъат арбобларини жалб этиш;

фото ва амалий санъатнинг доимий ва вақтинчалик кўргазмаларини, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг мини-фестивалларини ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш, шунингдек уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ва ижодкор ёшларнинг ютуқларини тарғиб қилиш;

ўрнатилган тартибда ҳаваскорлик бадиий ва амалий ижод жамоалари, студиялари ва тўғараклари, халқ театрлари, маданий-билиш, тарих-ўлкашунослик, илмий-техник, табиат-экологик, маданий-маиший, коллекция-тўплаш қизиқишлари ва бошқа қизиқишлар бўйича филармониялар, ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублар ташкил этиш ҳамда улар ишини ташкил этиш;

маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ оммавий театрлаштирилган байрамлар ва томошалар, халқ сайиллари ўтказиш;

Марказнинг имкониятлари доирасида, аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўрнатилган тартибда унга ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган хилма-хил пулли хизматлар кўрсатиш, шу жумладан болаларни тўғаракларга жалб этиш;

ижтимоий-ижодий буюртмалар, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган бошқа шартномалар бўйича турли маданий-оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда маслаҳат, методик ва ташкилий-ижодий ёрдам кўрсатиш, шунингдек қўшимча хизматлар кўрсатиш (муסיқали асбобларни, реквизитни ижарага бериш, репертуар-методик материалларни сотиш ва шу кабилар);

маданий-ижодий, маданий-билиш, дам олишнинг бошқа турларини ҳамда Марказнинг асосий вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

11. Марказнинг асосий функциялари:

Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси объектлари ва намуналарини сақлаб қолиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бўйича давлатнинг маданият соҳасидаги сиёсати натижаларини акс эттирувчи бадиий лойиҳалар ва дастурларни ижодий мужассамлаштириш;

халқ ижодиёти жанрлари, номоддий маданий мерос бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш;

Марказ мутахассисларининг малакасини ошириш, доимий ишловчи кўргазмалар, студиялар, маҳорат дарслари, семинарлар тизими орқали кўникмаларни ҳосил қилиш.

12. Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

13. Марказ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ушбу фаолиятдан олинган даромадларни ва ушбу даромадлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади.

III. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

14. Марказнинг ҳуқуқлари:

интеллектуал фаолият натижаларидан ва унга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда фойдаланиш;

маданият ва санъат соҳасида давлат дастурларини ва бошқа мақсадли дастурларни амалга оширишда белгиланган тартибда қатнашиш;

ўрнатилган тартибда маданий-ижодий бирлашмалар ва уюшмаларга кириш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

15. Марказнинг мажбуриятлари:

ушбу Уставда белгиланган ўз вазифаларини қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажариш;

меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, техника хавфсизлиги, ходимларни ижтимоий таъминлаш ва аниқ тарзда ижтимоий муҳофаза қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларини амалга ошириш;

ходимларнинг, ўз тўғараклари, студиялари қатнашчиларининг, шунингдек мижозларнинг ҳуқуқларига риоя қилишни кафолатлаш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган, Марказ фаолияти кўрсаткичларини аниқлаш ва назорат қилиш учун асос ҳисобланган шаклларга мувофиқ иш журнални юритиш;

ўзига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мол-мулкнинг сақланишини ва ундан қатъий мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мол-мулкнинг техник ҳолати ёмонлашишига йўл қўймаслик (ушбу талаб фойдаланиш жараёнида мазкур мол-мулкнинг норматив эскириши билан боғлиқ ёмонлашишига татбиқ этилмайди).

16. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Марказни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш

17. Марказ ўзи бевосита бўйсунувида бўлган маданият ва спорт ишлари бўйича _____ вилоят бошқармаси ҳамда _____ шаҳар (туман) бўлими томонидан бошқарилади.

18. Маданият ва спорт ишлари бўйича _____ шаҳар (туман) бўлими мудир _____ вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан келишилган ҳолда Марказ директорини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, Марказ фаолиятининг қонун ҳужжатларига, Марказнинг Низом талабларига ҳамда Уставда қайд этилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқлигини назорат қилади.

19. Марказ фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш Директор томонидан амалга оширилади.

20. Марказ директори ўрнатилган тартибда:

уставга мувофиқ ва ўз ваколатлари доирасида Марказ номидан ишончномасиз иш кўради, муассасанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради, Марказ фаолияти натижалари учун жавоб беради;

корхоналар, муассасалар, фирмалар, фермерлар ва ташкилотлар билан амалга ошириладиган муносабатларда марказий маданият уйи манфаатларини ҳимоя қилади, шартномалар тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда жорий ва бошқа ҳисоблар очади, ўз ҳуқуқлари доирасида фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлигига зид бўлмаган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради, ходимларни шартнома асосида ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, махсус тўпланган маблағ эвазига заруратга кўра янги иш ўринлари ташкил этади;

ишда алоҳида намуна кўрсатган ходимларни рағбатлантиради, ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, фермерлар ва бошқа уюшма ҳамда фондларга белгиланган тартибда асбоб-ускуналар ва воситаларни ижарага беради, шунингдек, эскирган ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келган буюмларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаради.

21. Марказ ўрнатилган тартибда ўз таркибида жамоалар, студиялар, ижодий гуруҳлар ва ҳаваскорлик ансамблларини тузади. Улар ўз фаолиятини Марказ директори тасдиқлаган иш режа асосида олиб боради.

22. Марказда маслаҳат органлари: бадий кенгаш, методик кенгаш ва шу кабилар ташкил этилиши мумкин.

23. Марказ: (ушбу банд таянч муассасаси ҳисобланган марказлар учун)

II ва III типдаги марказларнинг муассасаларига ташкилий-методик раҳбарлик қилувчи методик марказ, маданият ва санъатнинг таянч муассасаси ҳисобланади;

Ўзининг хизмат кўрсатиш ҳудудига кирадиган аҳоли пунктларида яшовчилар ўртасида турли оммавий ва маданий-тарбиявий ишларни ташкил этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

аҳолининг, айниқса ёшларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб тўғараклар, студиялар, бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолиятини ҳамда марказлар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматларни ташкил этиш юзасидан II ва III типдаги марказларни методик қўлланмалар, шунингдек янги репертуар тўпламлари билан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг миллий ва касб байрамларига бағишланган тадбирларни ўтказишда II ва III типдаги марказлар кенгроқ жалб этилишини таъминлайди;

II ва III типдаги марказлар билан биргаликда номоддий маданий мерос объектлари ва намуналарини сақлаш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар йилги тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

V. Марказ фаолиятини молиялаштириш

24. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

бюджет маблағлари;

Марказ томонидан ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирларга чипталар сотишдан, шу жумладан қўшимча хизматлар кўрсатишдан ва ўзини ўзи қоплайдиган тўғараклар фаолият кўрсатишидан, бўш турган хоналарни белгиланган тартибда ижарага беришдан олинладиган даромадлар;

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган хизматлар кўрсатишга шартномалар бўйича тушумлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонлари, ҳомийлик маблағлари;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

25. Марказнинг асосий фаолиятини амалга ошириш учун ажратилладиган бюджет маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан бюджет маблағларини Марказ томонидан қўшимча даромад олиш учун кредит муассасаларининг депозит ҳисоб рақамларига жойлаштириш тақиқланади.

VI. Марказни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш

26. Марказни тугатиш, қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Марказ фаолиятини назорат қилиш

27. Марказнинг молиявий-хужалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

28. Марказнинг молиявий-хужалик фаолияти ва унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилиши устидан назорат Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари, шунингдек давлат назорат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

VIII. Бошқа шартлар

29. Мазкур Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

30. Агар мазкур Уставнинг қоидаларидан бири ҳақиқий бўлмаса ёки кейинчалик ҳақиқий бўлмай қолса, бу ҳолат бошқа қоидаларнинг амал қилишини тўхтатишга сабаб бўлмайди. Ҳақиқий эмас деб тан олинган қоида ҳуқуқий муносабатга тўғри бўлган қоидага алмаштирилиши керак.

31. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

ва истиқлол йилларида маданият ишларининг ислоҳ этилиши очиб берилган.

II боб "Истиқлол даврида бошқарув маданияти соҳасини ўзига хослиги" деб номланиб, бобда маданият тизимидаги давлат ва нодавлат муассасалари фаолияти таҳлили ҳамда маданият ва санъат муассасалари бошқарувига мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари ёритиб берилган.

III боб "Маданият ва санъат муассасаларига услубий раҳбарликнинг илмий-назарий асослари" деб номланиб, бобда маданий-маърифий фаолиятни ташкил этишда услубий раҳбарликнинг мазмуни ва маданият ва аҳоли дам олиш марказларида тўғараклар ишини ташкил этишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари тизимли тадқиқ этилган. Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот юзасидан умумий тавсиялар ва хулосалар берилган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 5A151701 – "Маданият ва санъат соҳаси менежменти" мутахассилиги магистранти Н.Р.Журамуратовнинг "Маданият муассасалари фаолиятига раҳбарликда минтақавийлик омиллари ва имкониятлари" мавзусидаги магистрлик диссертацияси тегишли низом ва талаблари асосида тайёрланганлигини инобатга олиб, диссертацияни ҳимояга тавсия этаман.


Илмий раҳбар

"Маданият ва санъат муассасаларини

ташкил этиш ва бошқариш"

кафедраси доценти, с.и.и.и. ф.и.



 **А.Хайдаров**

имкониятлари” мавзусидаги магистрлик диссертацияси жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида маданият ишларини бошқариш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Журамуратов Нодир ўз магистрлик диссертациясида маданият муассасаларига раҳбарликда минтақавийлик омиллари ва имкониятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб берган. Шунингдек, мустақиллик йилларида маданият ишларининг ислоҳ этилиши илмий-назарий таҳлил этилиб илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот ишида маданият ва санъат соҳасидаги мавжуд миллий қонунчилик, меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, маданият тизимидаги давлат ва нодавлат муассасалари фаолияти таҳлил этилган.

Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, умумий хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ушбу магистрлик диссертацияси Магистратура тўғрисидаги Низом талаблари асосида ёзилган.

Ушбу магистрлик диссертациясидан келажакда маданий-маърифий муассасалар, маданият ва санъатга ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятида кенг фойдаланиш мумкин.

Журамуратов Нодирбекнинг магистрлик диссертациясида айрим имловий хатолар мавжуд. Лекин, бу камчиликлар диссертациянинг умумий мазмунига таъсир кўрсатмайди.

Иш ўз мазмуни ва ҳажми жиҳатларидан мавжуд талаб даражасида тайёрланган ва уни ҳимоя қилиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Республика Миллий ғоя ва мафкура
илмий-амалий маркази раҳбари,
тарих фанлари доктори, профессор



А.А.Маврулов

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2013й.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган) - Т.: “Ўзбекистон”.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 29 август

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кириши тўғрисида” қонуни 1998-йил.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” қонуни 2001-йил.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида” қонуни. 2009-йил.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги 1996 йил 31 декабрда, ПФ-1692-сонли Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги 1997-йил 8-январь, ПФ-1695-сонли Фармони.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги 1998 йил 26 март, ПФ-1980-сонли Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 27 сентябрь, ПФ-3491-сонли Фармони.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 25 июндаги 178-сонли қарори.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

И.А.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ ВА НУТҚЛАРИ:

3.1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: “Ўзбекистон” 1995 йил.

3.2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. 112-130, бетлар.

3.3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 432 – Б.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. 2002 йил 21 февраль

3.5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. - Т.: Ўзбекистон, 2003. 320 – Б.

3.6. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004 400 б

3.7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Т.: Ўзбекистон, 2005. 448 – Б.

3.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 96. – Б

3.9. Каримов И.А. Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. “Халқ сўзи” 2005 йил 18 февраль.

3.10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил декабрь.

3.11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2006. 280 –Б.

3.12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифаларимиздир. - Т.: Ўзбекистон, 2007. 46 – Б.

3.13. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008. 176 -Б.

3.14. Каримов И.А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Т.: Ўзбекистон, 2011. 440 – Б.

IV. ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

4.1. Иброҳим Маҳмудовнинг “Бошқарув психологияси” –Т.: “ЮНАКС ПРИНТ” 2006 йил, 228-Б.

4.2. Т.Р.Файзиев, Д.Собиржонова, Б.Сулаймоновларнинг “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” (маъруза матни), - Т.: 2012 й., 347-Б.

4.3. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” –Т.: Давлат илмий нашриёти. 5-том. 2002 йил.

4.4. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё., “Менежмент”. -Т.: “Ўқитувчи”, 2001 й. 170-Б.

4.5. Ғуломов С.С., “Менежмент асослари”, -Т.: 2002 й. 190 –Б.

4.6. Файзиев Т.Р., Рахматуллаев А.И. “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” фани (маъруза матнлари). –Т.: ЎзДСМИ, 2012 й.144-Б

4.7. Чанг Й.Н., Сампо-Флорес Ф. Бусинесс полисий анд стратегий, Текст анд сасес. Гоод еар публишинг сомпанй. Санта Мониса, 1980.

V. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

5.1. <http://www.ziynet.uz> Ўзбекистон таълим портали

5.2. <http://www.gov.uz> хукумат портали

Н.Журамураатовнинг диссертациясида кўйилган мақсадга эришилган
мавзу очиқ берилган. Уни ижобий баҳолаш мумкин, деб ҳисоблайман.

**“Маданият ва санъат муассасаларини
ташқил этиш ва бошқариш”
кафедраси профессори**



соц.ф.д. А.Умаров

Imzo
Tasdiqlayman: XB boshlig'i
" " " yil.